

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

50-сон  
(914)  
2019 йил  
16 декабрь

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

900. «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-589-сон Қонуни
901. «Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-590-сон Қонуни
902. ««Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 декабрдаги ЎРҚ-591-сон Қонуни
903. «Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-592-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

904. «Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги ПФ-5890-сон Фармони
905. «Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4545-сон қарори
906. «Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги ПҚ-4546-сон қарори
907. «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

908. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратурасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 97, 92, 11-87-19, 59-сон «Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг масти ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3099-1*)
909. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Ҳисоб палатасининг 2019 йил 28 ноябрдаги 109, 2019-61, 13/1-1601-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини Давлат бюджети даромадига йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1651-2*)  
Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 7 декабрдан 13 декабргача бўлган маълумот

## **БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

# **900 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 21 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябряда  
маъқулланган

### **1-боб. Умумий қоидалар**

#### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### **2-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қонун билан белгиланган микдорда ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

**иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга бириткириладиган ва ўзига ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

**умумий фискал баланс** — Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини ҳамда давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган қарз маблағлари эвазига амалга ошириладиган харжатларни ўз ичига олган жамланма баланс;

**худудий бюджет маблағларини тақсимловчи** — ўз тасарруфидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотларга эга бўлган юридик шахс, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан,

---

\* Ушбу Қонун «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 деқабрда эълон қилинган.

вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи.

**3-модда. 2020 йилда бюджет жараёни иштирокчилари ўртасида бюджет ваколатларини тақсимлашнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари (бундан буён матнда Олий Мажлис палаталари деб юритилади):

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан (бундан буён матнда республика бюджети деб юритилади) ажратиладиган маблағларни тасдиқлайди;

республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар микдорларини тасдиқлайди;

республика бюджетидан ажратиладиган маблағларга ушбу Қонунга мувофиқ ўзгартиришлар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади):

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳасини тайёрлашда ҳамда республика бюджетидан маблағларни ажратишда асос сифатида фойдаланиш учун биринчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар рўйхатини тасдиқлайди;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган микдорларини тасдиқлайди;

ушбу Қонунда назарда тутилган ваколатлар доирасида биринчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун бюджетдан ажратилган маблағларга ўзгартиришлар киритиш тӯғрисидаги таклифларни маъқуллайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари тегишли равиша:

а) қўйидагиларни тасдиқлайди:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан худудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган микдорларини;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган микдорларини;

б) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг прогнозини маъқуллайди;

в) ушбу Қонунда белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади):

а) биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг таклифларига асосан:

ушбу Қонун қабул қилингандан кундан бошлаб бир ой муддатда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун тасдиқланган республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартириш киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига маъқуллаш учун таклифлар киритади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳаларини тайёрлаш учун ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан фойдаланишнинг асоси сифатида худудий бюджет маблағларини тақсимловчилар рўйхатини тасдиқлайди;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маҳаллий бюджетларнинг лойиҳаларини тайёрлаш бўйича тавсиялар юборади.

#### **4-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш**

Ушбу Қонун билан белгиланган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фақат 2020 молия йили давомида фойдаланилади.

2020 молия йили охиригача фойдаланилмаган биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар келгуси молия йилига ўтказилмайди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан жорий йил учун соҳани ривожлантириш дастурларини шакллантириш, шунингдек юридик ва молиявий мажбуриятларни қабул қилиш фақат уларнинг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлари миқдори доирасида амалга оширилади.

**5-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни қайта кўриб чиқиши тартиби**

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) ушбу Қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклиф билан бирга ўзгартиришлар киритиш бўйича асословчи материалларни, шунингдек янгиланган макроиктисодий прогнозлар, солик ва бюджет сиёсатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

**6-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиши**

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни бошқа биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш (ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно):

10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Олий Мажлис палаталари томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда Молия вазирлигининг таклифи асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Ушбу Қонунга мувофиқ Молия вазирлигига республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар таркибида назарда тутилган қўйидаги маблағлар биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган бюджетлараро трансфертларни кўпайтириш орқали Молия вазирлиги томонидан қайта тақсимланади:

иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларини, айрим хизматларнинг тарифларини ва бюджет ташкилотларининг ходимларига ҳомиладорлик ва туғиши нафақаларини ошириш билан боғлиқ харажатлар учун маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти топширикларига мувофиқ худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун маблағлар;

«Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларини амалга оширишда обьектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун қўшимча капитал қўйилмалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастуридаги тақсимланмаган маблағлар.

Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун назарда тутилган маблағларни жорий харажатларга йўналтириш тақиқланади.

**7-модда. Иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларига ўзгартиришлар киритиши**

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун ажра-

тилган бюджет маблағлари доирасида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган маблағларни бошқа иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш:

10 ва ундан ортиқ фоиз микдорда Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

10 фоиздан кам микдорда тегишли биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчининг таклифига кўра Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

**8-модда. Ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларига ўзгартиришлар киритиш**

Бир ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган бюджет маблағларини бошқа ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида:

10 ва ундан ортиқ фоиз микдорда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан;

10 фоиздан кам микдорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларини томонидан амалга оширилади.

**2-боб. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети параметрлари**

**9-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатлари**

2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2021-2022 йилларга бюджет мўлжаллари 1-иловага\* мувофиқ ҳамда уларни тайёрлашда асос бўлган 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2021-2022 йилларга мақсадли мўлжаллар 2-иловага\* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

**10-модда. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ва харажатлари**

2020 йил учун давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози маълумот учун қабул қилинсин ҳамда уларнинг харажатлари 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

---

\* 1 — 3-иловалар «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

### **11-модда. Республика бюджети даромадлари прогнози ва харажатлари**

2020 йил учун:

республика бюджети даромадлари прогнози 4-иловага\* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин;

республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Республика бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қўшимча манбалари ва йил бошига қолдиқ маблағлари тегишли равишда улар умумий харажатларининг 3 фоизидан ошмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Мажхамасининг қарорларига мувофиқ фойдаланилади ҳамда фойдаланилган маблағлар бўйича Қонунчилик палатасига ҳар чоракда хисобот тақдим этилади. Мазкур харажатлар 3 ва ундан ортиқ фоизга ошган тақдирда ушбу Қонунга ўзгартиришлар киритилади.

### **12-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари**

2020 йил учун:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари 6-иловага\* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин;

республика бюджетидан вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин. Тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини вилоятлар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнозининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмайди.

### **13-модда. Айрим солиқлар ва тўлов ставкалари**

2020 йил учун:

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган (хизмат қўрсатиладиган), акциз солиги солинадиган товарларга (хизматларга) нисбатан акциз солиги ставкалари 8-иловага\* мувофиқ;

жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган ер солиги ставкалари 9-иловага\* мувофиқ;

мева-сабзавотчилик махсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, токзорлар) билан банд қилинган ерлар учун мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ундириладиган ер солиги ставкалари 10-иловага\* мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 11-иловага\* мувофиқ;

---

\* 4 — 11-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 12-иловага\* мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган суммалари 13-иловага\* мувофиқ (бунда 2020 йилдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш тартибини танлаш ҳуқуқи берилади);

маҳаллий йиғимларнинг чегараланган ставкалари 14-иловага\* мувофиқ;

автотранспорт воситаларини сотиб олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси худудига вактинча олиб кириш учун автотранспорт воситасининг эгалари (фойдаланувчилари) ушбу автотранспорт воситаларини ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказганда ҳамда чет эл давлатлари автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси худудига кириши ва худудида транзит ҳаракатланиши учун йиғимларнинг ставкалари 15-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси худудига товарларни олиб киришда қўлланиладиган божхона божи ҳамда акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади.

**14-модда. Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш**

2020 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми 731 млрд. сўм микдорида белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2020 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган микдорларда шакллантирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари маблағлари кечиктириб бўлмайдиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларини шакллантиришда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек ижтимоий-иктисодий бекарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиди.

**15-модда. 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг олти ойлик

---

\* 12 — 15-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

якунлари бўйича даромад прогнозларининг бажарилмаган ва жорий молия йилининг охиригача уларнинг келиб тушишига доир етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда:

республика бюджетининг умумий харажатларини З фоиз ва ундан ортиқ миқдорларда камайтириш Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Олий Мажлис палаталари томонидан;

республика бюджети умумий харажатларининг З фоиздан кам миқдорда республика бюджетидан ажратиладиган маблағларини камайтириш Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорфи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши ҳамда қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади.

### **16-модда. Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикаси кафолати остида олинадиган ташқи қарзнинг чекланган ҳажмларини белгилаш**

2020 йил давомида Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 4 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгилансин.

### **17-модда. Ташқи қарз ҳисобига амалга ошириладиган харажатлар**

2020 йилда давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати) номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайтариладиган ташқи қарзни ўзлаштиришнинг чекланган ҳажми 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида тасдиқлансан.

2020 йилда ташқи қарз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат мақсадли дастурлари бўйича харажатларининг вазирликлар ва идоралар кесимидағи чекланган миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг биргаликдаги таклифига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**3-боб. Бюджетлараво муносабатларни тартибга солишининг  
ўзига хос хусусиятлари**

**18-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетла-  
рини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини кўриб  
чикиш ва қабул қилиш тартиби**

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг навбатдаги йил учун лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари томонидан ушбу Қонун кучга киргандан кейин бир ҳафта муддатда, мазкур Қонунга мувофиқлаштирилган ҳолда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисида уч кун муддатда қарор қабул қилинади.

Навбатдаги йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимлеклари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилингандан кейин уч кун ичida тегишли равишда ҳалқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига киритилади.

Ҳалқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан туманлар ва шаҳарларнинг бюджетлари тўғрисидаги қарорлар уч кун ичida қабул қилинади.

**19-модда. 2020 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси  
бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий  
бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари  
даромадларини шакллантиришининг ўзига хос хусу-  
сиятлари**

Куйидаги солик турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солик мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солик, бундан цемент ҳом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар виляят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига қўйидагилар тўлиқ ўтказилади:

- юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;
- электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
- якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация килишдаги акциз солиғи;
- айланмадан солик;
- қонун хужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);
- қонун хужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;
- айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йифимлар;
- қонун хужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йифимлар (божхона йифимларидан ташқари);
- автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йифимлар;
- қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;
- қонун хужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар;
- мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишида 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ахолисининг республика ахолисидаги улушкига мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар виляят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига қўйидаги улушларда:

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган ўиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 70 фоиз, Тошкент вилоятида 34 фоиз, Тошкент шаҳрида 5 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоиз;
- фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти карори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ ўирик солик тўловчилилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган

даромадларидан тўланадиган фойда солигидан ташқари) Тошкент вилоятида 34 фоиз, Тошкент шаҳрида 5 фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоиз;

қўшилган қиймат солигидан тушумларнинг Қорақалпоғистон Республикасида 100 фоизи ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқлар ва бошқа турдаги даромадлар (шу жумладан, ушбу мoddанинг биринчи қисмида кўрсатилган даромадлар) ҳамда бюджетлараро трансферларни тақсимлашга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари:

ижара га берилган жойнинг ёки якка тартиbdаги тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётган жойнинг хусусиятларини, шунингдек кўрсатилаётган хизмат турининг мавсумийлигини хисобга олган ҳолда ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда якка тартиbdаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг қатъий белгиланган миқдорларига нисбатан қўлланиладиган 0,7 дан 1,3 гача пасайиб борувчи ёки ўсиб борувчи коэффициентларни киритишга;

туманлар ва шаҳарларнинг оммавий дам олиш ва туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқнинг якка тартиbdаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдорларига нисбатан қўлланиладиган ўсиб борувчи коэффициентларни киритишга ҳақли.

Агар қонун ҳужжатларида маҳаллий бюджетларга тушадиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, бу турдаги даромадлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига, вилоятлар вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетига ўтказилади.

Давлат унитар корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган жамиятлар томонидан 2020 йилнинг 1 июляга қадар 2019 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар хисобланади ҳамда 2020 йилнинг 1 сентябрдан кечиктирмасдан тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади.

**20-модда. Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш**

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят

бюджетлари, Тошкент шахри шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг таклифлари га асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимларни туманлар ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбаларининг камидаги 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари фавқулодда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечикириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарорлар қабул қиласиди.

### **21-модда. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларини амалга оширишнинг хусусиятлари**

Кўйидаги харажатлар республика бюджетидан молиялаштиришга ўтказилади:

умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гурух харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гурух харажатлари тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади);

кўп квартирали уй-жой фондига туташ худудларни таъмирлаш харажатлари ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқлари ва қозонхона ускуналарини капитал таъмирлаш харажатлари.

Кўйидаги харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шахри шаҳар бюджетидан молиялаштиришга ўтказилади:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга ахолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари хузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармалари ҳамда Қарши магистраль каналининг эксплуатация бошқармасини молиялаштириш харажатлари;

умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатлари;

давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (харакатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган заарни қоплаш ҳаражатлари.

Куйидаги ҳаражатлар туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштиришга ўтказилади:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафакаларни тўлаш ҳаражатлари;

давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини саклаш ҳаражатлари.

Эксперимент тариқасида:

Тошкент шаҳридаги умумтаълим ва мактабгача таълим муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар Тошкент шаҳри шаҳар бюджети хисобидан;

Қорақалпоғистон Республикасидаги ижтимоий соҳа обьектларини, ичимлик суви билан таъминлаш тизими обьектларини, умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, шунингдек сугориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш тадбирлари доирасида обьектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ҳаражатлари Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан молиялаштирилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташаббуси билан амалга ошириладиган қўшимча тадбирлар факат Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга tengлаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар ҳаражатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантиради.

Чораклар якуни бўйича ушбу Қонуннинг 6-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ микдорга бажарилмаса ва молия йили охиригacha ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасига ҳаражатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансферлар микдорини ошириш юзасидан мурожаат қиласи ҳамда бу таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлариiga ҳудди шу тартибда мурожаат этади.

**4-боб. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети ижросининг шаффоғлигини таъминлаш**

**22-модда. Бюджет жараёнининг шаффоғлигини таъминлаш**

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25 сана-сига қадар ўзининг расмий веб-сайтларига:

ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимоти; молиявий ҳисоботлар;

капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси;

ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги тегишли маълумотларни жойлаштириб боради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда тегишли бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган обьектларнинг рўйхатини, лойиҳанинг қиймати ва ижроси тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб боради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси солиқ ва божхона имтиёзлари рўйхатини ҳамда тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларининг микдори тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 25 сана-сига қадар солиқ тўловчилар кесимида ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб боради.

Давлат молиявий назорати органлари молия йилининг биринчи ойида молия йили учун иш режаларини ҳамда назорат тадбирлари натижаларига кўра аниқланган молиявий қонунбузарликлар ва ижобий натижалар ҳакидаги маълумотларни ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 10 сана-сига қадар ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб боради.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шахри маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, куриш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган обьектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар тегишли равишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибида ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириб борилади.

**23-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг, давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ҳисобдорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси ҳисбот йилидан кейинги йилнинг 15 майдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат

мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ўйллик ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хуносаси билан бирга, шунингдек ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Конунчилик палатасига тақдим этади.

Конунчилик палатаси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ва давлат мақсадли жамғармаларининг уларга ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитишга ҳақли.

Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тақсимловчи органлари Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети бўйича ҳисоботни тузиш учун ушбу жамғармалар бюджетлари ҳамда даромадлари ва харажатлари ижроси юзасидан ҳисоботларни тақдим этади.

Конунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижросини кўриб чиқиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**24-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларини ҳамда ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ҳисобдорлиги**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитишга ҳақли.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети бўйича ҳисоботни тузиш учун маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этади.

**5-боб. Якунловчи қоидалар**

**25-модда. 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Конунни бузганлик учун жавобгарлик**

2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Конунни бузганликда айбор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**26-модда. Ушбу Конуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Вазирлар Маҳкамаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Конуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**27-модда. Конун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Вазирлар Махкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирын; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**28-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 декабрь,  
ЎРҚ-589-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**901 Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 21 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522-II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил,

---

\* Ушбу Конун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 декабрда эълон қилинган.

№ 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда) **IV бўлими** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«IV. Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат бюджети тўғрисидаги қонунни қабул қилиш**

**20-модда. Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг  
Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини  
кўриб чиқиш**

Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси (бундан буён матнда Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси деб юритилади) ва бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирумай Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг холосаси билан бирга Қонунчилик палатасига киритилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 ноябригача кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатаси Спикери Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва бюджетномани дастлабки тарзда кўриб чиқиш ҳамда фикрлар ва таклифлар ишлаб чиқиш учун Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасига, фракцияларга ҳамда Қонунчилик палатасининг қўмиталарига йўллайди.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш жараёнида фракциялар ва Қонунчилик палатасининг қўмиталари Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси билан боғлиқ қўшимча ахборотни тегишили органлардан талаб қилиб олиши мумкин.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси барча фракциялар ҳамда Қонунчилик палатаси қўмиталарининг фикрлари ва таклифларини ўрганиб чиқиб, Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг ва бюджетноманинг дастлабки тарзда кўриб чиқилишини ўтказади ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгашига Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритиш мумкинлиги тўғрисида белгиланган муддатда хulosса тақдим этади.

Фракцияларнинг ҳамда Қонунчилик палатаси қўмиталарининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифлари Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилиниши шарт.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маърузасини, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси вакилининг қўшимча маърузасини эшитади ҳамда уни биринчи ўқища қабул қилиш ҳақида ёхуд рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда рад этилган тақдирда Қонунчилик палатаси уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маромига етказиш учун қайтаради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рад этилган Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси олинган кундан эътиборан ўн тўрт кун ичida Конунчилик палатасининг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказади ҳамда маромига етказилган қонун лойиҳасини Конунчилик палатасига биринчи ўқишда қайта кўриб чиқиш учун киритади.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг давлат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи қисми Конунчилик палатасининг ёпиқ мажлисида қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети тўғрисидаги Конун қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичida Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади.

## **21-модда. Давлат бюджети тўғрисидаги Конунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш**

Давлат бюджети тўғрисидаги Конунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимиға биноан белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Давлат бюджети тўғрисидаги Конунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала, қоида тариқасида, Конунчилик палатасининг мажлисида биринчи навбатда кўриб чиқилиши керак.

Давлат бюджети тўғрисидаги Конунга ўзгартишлар ва қўшимчалар белгиланган тартибда киритилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»**ги 523-II-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 2, 47-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар, № 8, 468-модда) **IV бўлими** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

## **«IV. Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Конунни қабул қилиш**

### **16-модда. Навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикаси- нинг Давлат бюджети тўғрисидаги Конунни кўриб чиқиш**

Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Конун (бундан

буён матнда Давлат бюджети тўғрисидаги Конун деб юритилади) Сенатнинг кўриб чиқиши учун топширилади ва Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги Конун ва бюджетнома Сенат мажлисида кўриб чиқилгунга қадар олдиндан сенаторларга юборилади.

Сенатнинг мажлисида Давлат бюджети тўғрисидаги Конунни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ёки унинг вазифасини бажарувчи шахснинг маъруzasи билан бошланади.

Давлат бюджети тўғрисидаги Конун Сенат томонидан, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай маъқулланади.

### **17-модда. Давлат бюджети тўғрисидаги Конунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш**

Давлат бюджети тўғрисидаги Конунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун Сенатнинг энг яқин мажлисида кўриб чиқилиши керак».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 11, 791-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсан:

#### **1) 3-модда:**

қўйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

**«биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан қонун билан белгиланган микдорда ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс»;

**учинчи — қирқ биринчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи** — **кирқ иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан;

**ўнинчи хатбошисидаги** «келгуси» деган сўз «ўрта муддатли» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

қўйидаги мазмундаги **йигирма олтинчи** ва **йигирма еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсан:

**«иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга биритириладиган ва ўзига ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимловчи юридик шахс;

**умумий фискал баланс** — Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини ҳамда давлат дастурларини амалга ошириш учун четдан жалб қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети

хисобидан қолланадиган қарз маблағлари эвазига амалга ошириладиган харжатларни ўз ичига олган жамланма баланс»;

**йигирма олтинчи — қирқ иккинчи хатбошилари тегишинча йигирма саккизинчи — қирқ тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан; деб ҳисоблансан;

куйидаги мазмундаги **қирқ тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

**«ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи** — ўз тасарруфидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан маблағ олуви ташкилотларга эга бўлган юридик шахс, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олуви»;

**қирқ тўртинчи хатбошиси қирқ бешинчи хатбоши** деб ҳисоблансан;

куйидаги мазмундаги **қирқ олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

**«ўрта муддатли давр учун фискал стратегия** — ўрта муддатли давр учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини белгиловчи ҳужжат»;

2) **25-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсан:

### **«25-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг бюджет соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

навбатдаги йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини (бундан бўён матнда Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси деб юритилади) ва бюджетномани ишлаб чиқиш жараёнини ташкил этади ҳамда мувофиқлаштириб боради;

биринчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар рўйхатини тасдиқлайди;

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва бюджетномани кўриб чиқиш ҳамда тегишли хулоса тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади;

бюджетномани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палата-ларига тақдим этади;

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритади;

давлат бошқаруви органларининг Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ижро этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради ҳамда назорат қиласиди;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги хисоботларни ҳар чоракда кўриб чиқади;

ўтган молия йили учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги хисоботларни ташки аудит

ўтказиш ҳамда баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Ўисоб палатасига юборади;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги хисоботларни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этади;

ушбу Кодекснинг 145 ва 149-моддаларида назарда тутилган ҳолларда молия йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағларга ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритади;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қиласи;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қиласи;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган микдорларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет соҳасида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

**3) 26-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбоиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хulosा тақдим этади»;

**4) 28-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбоиси** чиқариб ташлансин;

**5) 29-модда биринчи қисмининг:**

**иккинчи — тўққизинчи хатбоилари** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва бюджетномани ишлаб чиқади;

давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари лойиҳаларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ва харажатларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва бюджетномани кўриб чиқиши учун тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига Давлат бюджетининг даромадлари прогнозини ҳар чоракда етказади;

биринчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар-

га улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларни тақсимлаш, шунингдек навбатдаги йил учун харажатлар сметасини тузиш бўйича услубий кўрсатмаларни юборади;

биринчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатлар сметаларини ва жамланма харажатлар сметаларини, штат жадвалларини, шунингдек уларга киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказади;

ушбу Кодекснинг 145-моддасида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг харажатлари ёйилмасига молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу Кодекснинг 145 ва 149-моддаларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағларга ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тақдим этади»;

**ўнинчи хатбоиси** чиқариб ташлансин;

**ўн биринчи — ўттизинчи хатбоилари** тегишинча **ўнинчи — йигирма тўққизинчи хатбоилар** деб хисоблансин;

6) **83-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«83-модда. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш**

Навбатдаги йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда келгуси икки йилга бюджет мўлжаллари ўрта муддатли давр учун ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози асосида ишлаб чиқилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:

бюджет сўровини тузиш тартибини юборишни;

бюджет сўровларини ҳамда асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозларини тайёрлаш ва тақдим этишини;

бюджет сўровларини кўриб чиқиш ва жамлашни;

бюджетномани ишлаб чиқишни назарда тутади»;

7) **96-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«96-модда. Бюджетнома**

Бюджетнома — эришилган натижалар хисобга олинган ҳолда мамлакатни келгуси даврда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини назарда тутувчи хужжат бўлиб, ушбу йўналишлар асосида Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Бюджетнома куйидагиларни ўз ичига олади:

мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий якунларини ва мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг жорий йилги якунларининг прогноз баҳосини, шунингдек мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ўрта муддатли давр учун асосий йўналишларини;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини ишлаб чиқиша фойдаланилган асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун прогнозини;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари жорий йилдаги ижросининг прогноз баҳосини;

фискал таваккалчиликлар таҳлили хисобга олинган ҳолда ўрта муддатли давр учун фискал стратегиясини;

прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳасини, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг ҳамда келгуси иккйилга оид бюджет мўлжалларини;

давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинадиган кредитларнинг йиллик чегаравий миқдорини»;

8) **17-бобнинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«17-боб. Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш тартиби»;**

9) **97, 98** ва **99-моддалар** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«97-модда. Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини ва бюджетномани киритиш тартиби**

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва бюджетнома:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига — жорий йилнинг 15 сентябрига қадар киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига — жорий йилнинг 20 сентябринга қадар киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасига хulosса тақдим этиши учун — жорий йилнинг 20 сентябрига қадар киритилади. Ўзбекистон Республикаси Ўисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия бўйича хulosани жорий йилнинг 5 октябридан кечиктирмай тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг хulosаси билан киритилади.

Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳам, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай киритилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси, ўрта муддатли давр учун

фискал стратегия, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига юборилишидан олдин мажбурий равища жамоатчилик муҳокамасига қўйилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган «Фуқаролар учун бюджет» ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун паралель равища эълон қилинади.

### **98-модда. Давлат бюджети тўғрисидаги Конунни қабул қилиш**

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси томонидан, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 ноябрига қадар кўриб чиқилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Давлат бюджети тўғрисидаги Конун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига кўриб чиқиш учун қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичida юборилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги Конун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан, қоида тариқасида, жорий йилнинг 15 дебабридан кечиктирмай маъқулланади.

### **99-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларини тасдиқлаш**

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг навбатдаги йил учун лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан Давлат бюджети тўғрисидаги Конун кучга киргандан кейин бир ҳафта муддатда, Давлат бюджети тўғрисидаги Конунга мувофиқлаштирилган ҳолда тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисида уч кун муддатда карор қабул қилинади.

Навбатдаги йил учун туман ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туман ва шаҳарлар ҳокимлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилингандан кейин уч кун ичida тегишли равища халқ депутатлари туман ва шаҳарлар Кенгашларига киритилади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан туманлар ва шаҳарларнинг бюджетлари тўғрисидаги қарорлар уч кун ичida қабул қилинади»;

#### **10) 126-модда:**

**номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«126-модда.** Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш»;

тўртинчи ва бешинчи қисмлари қўйидаги мазмундаги тўртинчи — еттинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг қўшимча манбалари ва ўйл бошига қолдиқ маблағлари тегишли равища улар умумий харажатларининг 3 фоизидан ошмаган микдорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Махкамасининг қарорларига мувофиқ фойдаланилади ҳамда фойдаланилган маблағлар бўйича Конунчиллик палатасига ҳар чоракда хисобот тақдим этилади. Мазкур харажатлар 3 ва ундан ортиқ фоизга ошган тақдирда Давлат бюджети тўғрисидаги Конунга ўзгартиришлар киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалардан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равища Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимларни туманлар ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбаларининг камидаги 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари фавқулодда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига хисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарорлар қабул қиласида»;

11) **143-модданинг бешинчи қисми** қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«Давлат бюджети даромадлари ва харажатларига тасдиқланган бюджетлар доирасида унинг ижроси жараёнида қонун хужжатлари асосида ўзгартиришлар киритиш тегишинча Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва худудий молия органлари томонидан амалга оширилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ахборот тизимида хисобга олиб борилади»;

12) **144-модда** чиқариб ташлансан;

13) **145-модданинг матни** қўйидаги таҳrirда баён этилсан:

«Биринчи даражали бюджет маблағларини таксимловчи учун Ўзбекис-

тон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни бошқа биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш (бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар мустасно):

10 ва ундан ортиқ фоизи миқдорда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таклифи асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан амалга оширилади.

Давлат бюджети тўғрисидаги Конунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар таркибида назарда тутилган мақсадли маблағлар биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағларни ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бериладиган бюджетлараро трансфертларни кўпайтириш орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қайта тақсимланади.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида бир иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган маблағларни бошқа иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш:

10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда тегишли биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларни амалга ошириш учун назарда тутилган маблағларни жорий харажатларга йўналтириш тақиқланади»;

14) **146-модда** чиқариб ташлансин;

15) **147-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган бюджет маблағларини бошқа ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорининг:

10 ва ундан ортиқ фоиз миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни томонидан амалга оширилади, бундан ушбу Кодекс 145-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчи тасарруфидаги бир бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчидан бошқа бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчи учун бюджетдан ажратиладиган маблағ-

ларни ўтказиш худудий бюджет маблағларини тақсимловчилар сўровига кўра тегишли худудий молия органлари томонидан амалга оширилади»;

16) **148-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бир худудий бюджет маблағларини тақсимловчи учун ажратилган бюджет маблағларни бошқа худудий бюджет маблағларини тақсимловчига ўтказиш ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорининг:

10 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда ҳалқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан;

10 фоиздан кам миқдорда туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади, бундан ушбу Кодекс 145-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган худудий бюджет маблағларини тақсимловчи тасаруфидаги бир бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчидан бошқа бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчи учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни ўтказиш худудий бюджет маблағларини тақсимловчилар сўровига кўра туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан амалга оширилади»;

17) **149-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«149-модда. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси харажатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби**

Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг харажатларига уларнинг тасдиқланган ҳажмларига нисбатан 3 фоиз ва ундан ортиқ миқдорга кўпайтиришни ёки камайтиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан амалга оширилади.

Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг харажатларига уларнинг тасдиқланган ҳажмларига нисбатан 3 фоиздан кам миқдорда кўпайтириш ёки камайтиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тақсимловчи органларининг тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан амалга оширилади.

Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг харажатларини уларнинг тасдиқланган ҳажмларига нисбатан кўпайтириш уларни қоплаш манбалари мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг харажатларига уларнинг тасдиқланган умумий ҳажмларини кўпайтирмасдан ёки камайтирмасдан ўзгартиришлар киритиш давлат мақсадли жамғармаларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси

ликаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг тақсимловчи органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишувга кўра амалга оширилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган «**Парламент назорати тўғрисида**»ги ЎРҚ-403-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 157-модда, № 5, 261, 265-моддалар) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбоиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети ижросининг боришини кўриб чиқиш»;

2) **6-модда** чиқариб ташлансан.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 декабрь,  
ЎРҚ-590-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг Қонуни

## **902 «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 30 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524-II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 3, 162-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансан (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини хамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз нормативхукуқий хужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 10 декабрь,  
ЎРҚ-591-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 деқабрда эълон қилинган.

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида  
(янги таҳрири)**

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**3-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мақоми**

Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи бўлиб, иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига раҳбарлик қилишни, Ўзбекистон Республикаси қонуллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятнинг ягона тизимига раҳбарлик қиласиган коллегиал органдир.

**4-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплари**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги, инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, коллегиаллик, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши ва ҳамкорлиги, шунингдек очиқлик ва шаффоғлик Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принципларидир.

**2-боб. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби**

**5-модда. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби**

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг аъзолари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазиридан (бундан буён матнда Бош вазир деб юритилади), унинг ўринбосарларидан, вазирлардан, давлат қўмиталари раисларидан иборатдир. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

### **6-модда. Вазирлар Маҳкамасини шакллантириш тартиби**

Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига (бундан буён матнда Конунчилик палатаси деб юритилади) сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир лавозимига тақдим этилган номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн қунлик муддатда уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастурини тақдим этади.

Бош вазир номзоди, агар уни ёқлаб тегишинча Конунчилик палатаси депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берса, тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш чоғида Бош вазир номзоди Конунчилик палатасида ёки Сенатда Конунчилик палатаси депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Конунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан кўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан кейин Бош вазир лавозимига номзодни яна бир марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазирнинг Конунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзод Конунчилик палатасидаги масъул қўмита, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гурухлари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейин Конунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ва маъқулланади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзоси лавозимига номзод унинг номзодини Конунчилик палатасида кўриб чиқиш ва маъқуллаш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳаракатлар режасини тақдим этади.

Конунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодни рад этган тақдирда, Бош вазир кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади.

Бош вазир ва Конунчилик палатаси ўртасида доимий зиддиятлар юза-

га келган тақдирда, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камидан учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси мухокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камидан учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган хисобланади. Бундай ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қиласди. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун тақлиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Бош вазир лавозимида икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қиласди, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунинг қадар мамлакат Президентининг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Вазирлар Маҳкамасининг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши янги шакллантирилган Сенатнинг биринчи мажлиси ўтказилган кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига Бош вазир томонидан ёзма мурожаат бериш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари ўзининг мажлисларида Вазирлар Маҳкамасининг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисидаги тегишли қарорларни қабул қиласди.

## **7-модда. Бош вазирни лавозимидан озод этиш**

Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйидаги ҳолларда лавозимидан озод этилади:

Бош вазирнинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан;

Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда;

Вазирлар Маҳкамаси таркибида унинг нормал фаолият кўрсатишига таҳдид солувчи, бартараф этиб бўлмайдиган ихтилофлар юзага келганда, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир неча бор Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид қарорлар қабул қилинган тақдирда;

Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекис-

тон Республикаси Президенти кўриб чикиши учун тақдим этган ташаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббус Қонунчилик палатасидаги сиёсий партияларнинг етакчи фракциялари томонидан кўллаб-кувватланса ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасида ва Сенатда овозга қўйилганда тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенат аъзолари умумий сонининг учдан иккисидан кўпроғининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қиласди;

Бош вазирга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қабул қилинган ишончсизлик вотуми билдирилган тақдирда.

Бош вазирнинг лавозимидан озод этилиши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади.

### **3-боб. Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари**

#### **8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг умумий ваколатлари**

##### **Вазирлар Маҳкамаси:**

самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши учун жавобгар бўлади;

фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа хуқуqlари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чораларни амалга оширади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузаларни тақдим этади;

давлат бошқаруви тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, вазирликларни, давлат қўмиталарини, идораларни ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш ҳақида таклифлар ишлаб чиқади;

стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари давлат бошқаруви тизимига жорий этилишини таъминлайди;

мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим ҳамда устувор йўналишлари бўйича яқин, ўрта ва узок муддатли истиқболга мўлжалланган стратегиялар, концепциялар, дастурлар ҳамда «йўл хариталари»ни амалга ошириш юзасидан чоралар кўради.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида,

ушбу Қонунда ва бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **9-модда. Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиёт соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

иқтисодиёт соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини ва индустрисал сиёсат олиб борилишини таъминлайди;

барқарор иқтисодий ўсишни, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва таркибий ўзгартириш, миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш ҳамда унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича чоралар кўради;

иқтисодиётни бошқаришнинг бозор механизмлари жорий этилишини ва унинг асосий тармоқларини ривожлантириш стратегиялари шакллантирилишини таъминлайди;

саноатни модернизация ва диверсификация қилишни, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантиришни, инновацион ишланмаларни ва энергия тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишини кенгайтиришни, шунингдек атом энергетикасини ривожлантиришни таъминлайди;

иқтисодиёт тармоқларини стратегик жиҳатдан ривожлантириш давлат дастурларини, давлат ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

туризм индустрисини ривожлантириш ва туризм инфратузилмасини кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратади;

эркин иқтисодий зоналар, технопарклар, кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштиришни ва мониторинг қилишни амалга оширади, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

давлат бошқаруви усулларини такомиллаштиради, шу жумладан электрон ҳукумат принциплари асосида такомиллаштиради, бозор принципларига асосланган хўжалик бошқаруви ҳамда корпоратив бошқарувнинг замонавий принциплари ва усуллари жорий этилишини рағбатлантиради;

қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, аграр секторни модернизация қилиш ҳамда жадал ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ресурсларни тежовчи ва интенсив замонавий агротехнологияларни жорий этиш, ер ресурслари сифатини сақлаш ва яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чораларини кўради;

урбанизация жараёнларининг давлат томонидан тартибга солинишини ва давлат уй-жой сиёсати амалга оширилишини, ер участкаларига нисбатан замонавий бозор механизмлари жорий этилишини таъминлайди;

эркин тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, «хуфиёна» иқтисодиёт улушкини қисқартириш, иқтисодий жараёнларда давлатнинг иштирокини мақбуллаштириш учун шарт-шароитлар яратади, шу жумладан лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини

создалаштириш ҳамда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш орқали шарт-шароитлар яратади;

тадбиркорлар, шу жумладан чет эллик инвесторлар мурожаатлари билан ишлаш, улар билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш бўйича самарали тизимни жорий этиш чораларини кўради.

### **10-модда. Вазирлар Маҳкамасининг бюджет, молия, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

бюджет, молия, пул-кредит сиёсати соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети (бундан бўён матнда Давлат бюджети деб юритилади) ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, республикани иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш прогнозларини ва энг муҳим дастурларини инобатга олган ҳолда солиқ ҳамда бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилишини ва бажарилишини ташкил этади;

харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш чораларини амалга оширади;

самарали фискал сиёсат олиб боради, солиқ солиш тизимини создалаштириш, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, валюта сиёсатини либераллаштириш, валютани тартибга солишининг замонавий бозор механизмларини жорий этиш, шунингдек миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш чораларини кўради;

банк тизимининг барқарорлигини таъминлайди, ушбу тизимнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, шунингдек суғурта, лизинг ва бошқа молия институтларини ривожлантириш бўйича чораларни амалга оширади.

### **11-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий соҳадаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

ижтимоий соҳада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

таълим тизими ривожлантирилишини, унинг сифати ва самарадорлиги оширилишини, узлуксиз таълимдан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди;

мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради;

илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий ёрдамнинг сифати, самарадорлиги ва ҳамма учун очиқлигини ошириш, ахоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи принципларини жорий этиш, шунингдек санитария-эпидемиологик осойишталикини таъминлаш бўйича чораларни амалга оширади;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спорт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда спорт инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича чораларни амалга оширади;

иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади, меҳнат бозори инфратузилмаси ривожлантирилишини, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини, ижтимоий ва пенсия таъминоти тизимларининг ишлашини таъминлайди;

оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга кўмаклашади, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш чораларини кўради;

ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши ва бажарилишини таъминлайди, фуқароларнинг ҳақиқий даромадларини ошириш, ахолининг уй-жой шароитларини яхшилаш ҳамда ахолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларини ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўради.

## **12-модда. Вазирлар Маҳкамасининг маданий-гуманитар соҳадаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

маданий-гуманитар соҳада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади;

маданиятни, санъатни ривожлантиришга, маданий қадриятлардан кенг кўламда фойдаланишини таъминлашга, фуқароларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётда тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этишига кўмаклашади;

театр-томуша, маданий-маърифий ташкилотлар ҳамда музейлар фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради;

тарихий ва маданий мероснинг муҳофаза қилинишини, мамлакатнинг бутун ҳудудида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида давлат тилининг ҳар томонлами ривожлантириши ҳамда амал қилишини таъминлайди;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш ҳамда ривожлантириш чораларини кўради.

## **13-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудларни ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

ҳудудларнинг иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш,

уларнинг саноат ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш орқали худудларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан комплекс ва мутаносиб равишда ривожлантиришни таъминлайди;

иктисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани стратегик жиҳатдан ривожлантириш давлат дастурларини, худудий ривожлантириш дастурларини, шунингдек худудларда иктиносидий, ижтимоий ва маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш чораларини кўради;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг мақсадли ижросини таъминлайди;

худудларни, энг аввало, иктиносидий ва ижтимоий ривожланишда орқада қолаётган қишлоқ туманларини ҳамда шаҳарларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини самарали ҳал қилиш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мувофиқлаштирилган ишини таъминлаш чораларини кўради;

худудларни комплекс ривожлантиришга, шу жумладан иктиносидиёт тармоқлари ва соҳаларида бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга, худудларда аҳоли бандлиги ва турмуш даражаси узлуксиз ошириб борилишини таъминлашга доир ислоҳотлар амалга оширилиши жараёнини мониторинг қилиш асосида худудларни ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш тамойилларининг комплекс таҳлилини ўтказади;

чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва худудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чораларини кўради, мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан ва унинг иктиносидий хавфсизлигидан келиб чиқсан ҳолда, худудларнинг инвестициявий жозибадорлигини янада яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

худудларни ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлиари, баённома қарорлари ва топшириқларининг бажарилиши жараёнини мақсадли ўрганишни амалга оширади;

худудларнинг иктиносидий барқарорлигини таъминловчи энг муҳим устуворликлар, иктиносидиётнинг муайян тармоқлари ва соҳаларида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, худудларнинг иктиносидий салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

#### **14-модда. Вазирлар Маҳкамасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган хуқуqlарини амалга ошириш, экологик осойишталиктини таъминлаш чораларини кўради;

табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш

ҳамда табиатдан фойдаланишни тартибга солиш бўйича фаолиятни ташкил этади;

табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни рўёбга чиқаришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

йирик авариялар ва халокатларнинг, шунингдек табиий оғатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш чораларини кўради.

**15-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ташқи сиёсатни амалга ошириш ва халқаро муносабатларни ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, хукуматлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакиллигини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятлари бажарилишини таъминлайди, шунингдек ушбу шартномаларнинг бошқа иштирокчилари ўз мажбуриятларини бажаришини кузатиб боради;

Ўзбекистоннинг хориждаги жисмоний ва юридик шахсларининг хукуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек савдо-иктисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик бўйича хукуматлараро комиссияларнинг фаолияти ташкил этилишини таъминлайди.

**16-модда. Вазирлар Маҳкамасининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

инвестициялар ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

кулай инвестиция мухитини яратиш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

самарали божхона-тариф сиёсатини олиб боради, экспорт қилувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, маҳаллий товарлар ва хизматларнинг ташқи бозорларга чиқиши учун кулай шарт-шароитлар яратади, замонавий логистика инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чоралар кўради;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида раҳбарликни амалга оширади, уни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилайди;

Ўзбекистоннинг савдо, иқтисодий, технологик, транспорт ва бошқа алоқаларини кенгайтириш, миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш чораларини кўради;

ўз ваколатлари доирасида халқаро иқтисодий ташкилотлар, молия институтлари ва бошқа кўп томонлама савдо-иктисодий тизимлар доирасида ҳамкорликни ривожлантиради ҳамда унда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суради;

олий ва юқори даражадаги ташрифлар якунлари бўйича инвестиция лойиҳалари ҳамда амалий тадбирлар режалари («йўл хариталари») сифатли амалга оширилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини ишлаб чиқади;

чет элдан олинадиган кредитлар учун Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг кафолатларини беради;

Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

### **17-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида-ги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

ахборот жамиятини шакллантириш, ракамли иқтисодиётни ривожлантириш, «Электрон хукумат» тизими жорий этилишини таъминлаш, аҳоли, бизнес ва давлат ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитлар яратади;

электрон давлат хизматлари ва телекоммуникация хизматлари спектрини кенгайтириш, телекоммуникация инфратузилмасини модернизация килиш чораларини амалга оширади;

ахборот хавфсизлигини ва ахборот муҳофазасини таъминлаш, тармоқларни, дастурий маҳсулотларни, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини жорий этиш чораларини кўради.

### **18-модда. Вазирлар Маҳкамасининг жамоат тартибини сақлаш, давлат хавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Вазирлар Маҳкамаси:

давлат хавфсизлигини ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади;

хукуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

хукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳамкорлигини таъминлайди;

давлат ҳарбий ташкилотининг мудофаа вазифаларини ҳал этиш учун зарур молиявий, моддий ва бошқа ресурсларга бўлган эҳтиёжларини ҳар

томонлама таъминлаш, мудофаа манфаатларини кўзлаб мамлакат худудини тезкорлик билан жиҳозлаш масалаларини ҳал этади;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг қурол-яроғ, ҳарбий техника ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланиши ҳамда таъминланишини ташкил этади;

давлат мудофаа буюртмаларини шакллантириш ва мудофаа аҳамиятига молик ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

хорижий давлатлар билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кенгайтириш чораларини кўради;

мамлакат иқтисодиётининг сафарбарлик тайёргарлигини ташкил этади, фуқаро муҳофазасига раҳбарликни амалга оширади.

### **19-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш**

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтиради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари ўзлари олиб бораётган давлат сиёсатининг сифатли ва самарали амалга оширилиши учун Вазирлар Маҳкамаси олдида жавобгардир.

Вазирлар, давлат қўмиталари раислари ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари Вазирлар Маҳкамасига киритилаётган таклифлар, таҳлилий ҳамда бошқа хужжатларнинг, шу жумладан норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ҳар томонлама ишлаб чиқилиши, шунингдек уларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва оқибатлари учун шахсан жавобгар бўлади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари тўғрисидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдикланади.

Давлат бюджети хисобидан таъминланадиган вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ҳамда бошқа давлат бошқаруви органларининг марказий де-вонлари ходимларининг чекланган сони ва уларнинг таъминоти учун ажратиладиган маблағлар миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликларни, давлат қўмиталарини ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги тақдимномаларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Вазирларнинг ва давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Бошқа давлат бошқаруви органларининг раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, агар қонун хужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Давлат бошқаруви органлари ҳайъатларининг аъзолари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси мақсадли вазифаларнинг бажарилишини вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ва бошқа давлат бошқаруви органларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларнинг бажарилишини баҳолашнинг асосий мезонларини ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг асосий мезонларда қўрсатилган мақсадли вазифаларнинг бажарилиши ҳамда уларга эришилиши тўғрисидаги хисоботларини тизимли равишда эшитади.

Вазирлар Маҳкамаси зарурат бўлганда давлат бошқарувининг ўз ваколатига кирувчи айрим масалаларини ҳал этишни, агар бу масалаларнинг ҳал этилиши қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мутлақ ваколатларига киритилмаган бўлса, вазирликларга, давлат қўмиталарига ва ўз бўйсунувидаги бошқа давлат бошқаруви органларига бериши мумкин.

## **20-модда. Вазирлар Маҳкамасининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи**

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи киритган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишида иштирок этиш учун ўз вакилларини тайинлади.

## **4-боб. Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш**

### **21-модда. Бош вазир**

Бош вазир:

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати олдига қўйилган мақсадли вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолиятини умумий тарзда мувофиқлаштиришни амалга оширади, юзага келган келишмовчиликлар бўйича қарорлар қабул қилади;

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди;

халқаро муносабатларда Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан халқаро шартномаларни имзолайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир ўринbosарлари ўртасида вазифаларни тақсимлади;

давлат ва хўжалик бошқарувининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқиши талаб этилмайдиган масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисида тақдимномалар киритади;

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги ижтимоий-иктисодий ривожланиш якунлари ва навбатдаги йил учун асосий устуворликлар тўғрисида ги ҳар йилги маъруzasини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида хисобот тақдим этади;

Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодлар Қонунчилик палатаси томонидан маъқулланганидан кейин бу номзодларни Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Бош вазир ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот бериб боради.

Бош вазир йўқлигига унинг вазифасини Бош вазирнинг биринчи ўринbosари ёки Бош вазир ўринbosарларидан бири бажариб туради.

## **22-модда. Бош вазир ўринbosарлари**

Бош вазир ўринbosарлари вазифалар тақсимотига мувофиқ:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, парламент сўрови, Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенат аъзосининг сўрови, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириклари бажарилишининг бориши мониторингини амалга оширади;

жойларда ишларнинг ҳақиқий ҳолатини ўрганади, шунингдек иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қиласди;

стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан комплекс тақлифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва давлат бошқаруви органлари ишининг самарадорлигини ошириш соҳасидаги комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

барча даражалардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизимининг ишини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари ва топширикларини, Вазирлар Маҳкамаси хужжатларини си-

фатли ва ўз вактида бажариш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

конун хужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажарди.

Бош вазир ўринбосарлари ўзига ишониб топширилган фаолият соҳасида эришилган натижалар учун шахсан жавобгар бўлади.

### **23-модда. Бош вазир маслаҳатчилари**

Бош вазир маслаҳатчилари вазифалар тақсимотига мувофиқ:

ўз ваколатига киритилган тегишли йўналишлар ва масалалар бўйича Бош вазирга таклифлар ишлаб чиқилишини, уларнинг экспертизадан ўтказилишини ва тайёрланишини таъминлайди, шунингдек бунинг учун шахсан жавобгар бўлади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари ва топшириқларининг, Вазирлар Маҳкамаси хужжатларининг сифатли ва ўз вактида бажарилиши бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўради;

ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини умумий тарзда мувофиқлаштиришни амалга оширади;

конун хужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажарди.

Бош вазир маслаҳатчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

### **24-модда. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари**

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари:

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида масалаларни кўриб чиқиша иштирок этади, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси мажлисларининг кун тартиби бўйича таклифлар киритади;

Вазирлар Маҳкамаси кўриб чиқиши учун масалалар тайёрлашни амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқади;

тегишли вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ёки бошқа давлат бошқаруви органларининг фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Қонунчилик палатасига тақдим этилган харакатлар режасини рўёбга чиқаришга, шунингдек вазирликлар ва давлат қўмиталари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларнинг бажарилишини баҳолашнинг асосий мезонларини ҳисобга олган ҳолда, мақсадли вазифаларни бажаришга доир чораларни амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва бошқа ишчи органларига Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра раҳбарликни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари ўзи раҳбарлик қилаётган вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки бошқа давлат бошқаруви органининг фаолияти самарадорлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

### **25-модда. Вазирлар Маҳкамасининг коллегиал органлари**

Вазирлар Маҳкамаси доимий комиссиялар тузади ва уларнинг вазифаларини, функцияларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Давлат ва хўжалик бошқарувининг айрим масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг айрим топшириқларини бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг муваққат комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ташкил этилиши мумкин.

### **26-модда. Вазирлар Маҳкамасига масалаларни киритиш ва кўриб чиқиш**

Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳалари — қонунчилик ташаббуси тартибида Қонунчилик палатасига киритиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш учун;

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳалари — қабул қилиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларининг Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли қисми бўйича номенклатурасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг номенклатурасига кирадиган лавозимларга тайинлаш, тасдиқлаш, тақдим этиш, келишиб олиш учун номзодлар ва уларни лавозимидан озод этиш бўйича таклифлар;

мансадбор шахслар айрим тоифаларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарларига чиқиши тўғрисидаги, Вазирлар Маҳкамаси билан белгиланган тартибида маҳсус келишиб олиш талаб қилинадиган таклифлар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасида унинг ваколатларига кирадиган масалаларни кўриб чиқиш Вазирлар Маҳкамаси, унинг Раёсати мажлисларида, Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ташкил этадиган комиссияларнинг ҳамда бошқа идоралараро коллегиал органларнинг мажлисларида манфаатдор давлат органлари ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун билан унинг ваколатига тегишли бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган бошқа масалалар ҳам киритилади.

Мухим давлат, иқтисодий ва ижтимоий-маданий масалаларни ҳал қилиш учун Вазирлар Маҳкамасининг комплекс ёки мақсадли дастурлари ва тадбирлари ишлаб чиқилиб, улар Баш вазир ўринbosарлари ҳамда маслаҳатчилари томонидан Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритилади.

Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун масалалар Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, истисно ҳолларда эса уларнинг биринчи ўринbosарлари томонидан киритилади.

## **27-модда. Вазирлар Маҳкамасининг аппарати**

Вазирлар Маҳкамасининг аппарати Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ва баённома жиҳатдан таъминлашни, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашни, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишга қаратилган «йўл хариталарини», жадвалларни, харакатлар дастурларини, амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишини амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг ва унинг таркибий бўлинмаларининг иш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Бош вазир, Бош вазирнинг иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosарлари ва маслаҳатчилари котибиятларининг мудирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош вазирнинг, Бош вазир ўринbosарлари ва маслаҳатчиларининг котибиятлари, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари ишини мувофиқлаштириш Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси томонидан амалга оширилади.

## **28-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари**

Давлат бошқаруви, ҳўжалик ва ижтимоий-маданий ривожлантиришнинг энг мухим масалалари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини Бош вазир ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида Бosh вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, зарурат бўлганда эса вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда бошқа давлат бошқаруви органдари раҳбарлари иштирок этади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари, Конунчилик палатаси Спикери, Сенат Раиси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, Олий судининг раиси, Бosh прокурори таклиф этилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин.

### **29-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқладиган масалалар**

Кўйидагилар фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқилади:

Давлат бюджетини тайёрлаш ва ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасарруфидаги давлат мақсадли жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш масалалари;

бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасини ва унинг айрим ҳудудларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий жиҳатдан ривожлантириш дастурлари лойиҳалари;

давлат қимматли қофозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташки қарзини ошириш чегаралари тўғрисидаги таклифлар;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар;

катъий белгиланган давлат нархлари қўлланиладиган маҳсулотларнинг, товарларнинг ва хизматларнинг номенклатураси;

давлатлараро шартномаларни имзолаш тўғрисидаги таклифлар.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг қарорларига мувофиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

### **30-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш**

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлашни Вазирлар Маҳкамасининг аппарати амалга оширади.

Зарур бўлган холларда масалаларни тайёрлашни Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг Раёсати томонидан ташкил этиладиган комиссиялар амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқиш учун киритиладиган хужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ тайёрланади.

Зарурат бўлган тақдирда аниқ соҳалар ва ўналишларда амалга оширилаётган ислохотларнинг боришини ўрганиш мақсадида Бosh вазир томонидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат бошқаруви худудий органлари раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирокида худудларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мавзули сайёр мажлислари ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мавзули сайёр мажлисларини ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **31-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида қарорлар қабул қилиш**

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзоларининг кўпчичик овози билан қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қабул қилинган қарорлар баённома тарзида расмийлаштирилади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг баённомаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси аппарати томонидан расмийлаштирилади ва тарқатилади.

Ҳукуматнинг баённома қарорлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига мувофиқ амалга оширилади.

### **5-боб. Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати**

#### **32-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати ва таркиби**

Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати Вазирлар Маҳкамасининг доимий фаолият кўрсатувчи органидир.

Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати таркибига Бosh вазир, Бosh вазирнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, шунингдек Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси киради.

#### **33-модда. Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар**

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисларида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларининг ижросини ташкил этиш масалалари;

Қонунчилик палатасига қонунчилик ташабbusи тартибida киритиладиган қонунлар лойиҳалари;

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирадиган масалалар кўриб чиқилади, бундан ушбу Қонунга мувофиқ факат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар мустасно.

### **34-модда. Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш**

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисини ташкил этишни ва тайёрлашни Вазирлар Маҳкамасининг аппарати амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлислари ҳар ҳафтада Бош вазир томонидан, у йўқлигига эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти билан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мажлисларида қабул қилинган қарорлар баённомалар тарзида расмийлаштирилади ва раислик қилувчи томонидан имзоланади.

### **6-боб. Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари**

#### **35-модда. Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг турлари**

Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзоланади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзолангунига қадар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси қоидаларидан келиб чиқсан холда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, фармойишларини ва Бош вазирнинг фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратни бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари орқали амалга оширади.

### **36-модда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

Вазирлар Маҳкамасининг норматив-хуқуқий тусдаги ҳужжатлари қарорлар шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, агар уларнинг ўзида кечроқ муд-

дат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив-хуқуқий тусга эга қарорлари «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами»да, «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами»да, «Халқ сўзи», «Народное слово» газеталарида ва Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари маълумотлари миллӣ базасида эълон қилинади, зарур бўлган тақдирда эса бошқа оммавий ахборот воситалари орқали кенг омма эътиборига етказилади.

### **37-модда. Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари**

Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича хужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари, агар ушбу хужжатларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, улар имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

### **7-боб. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар, бошқа давлат органлари ва надавлат ташкилотлар билан ҳамкорлиги**

### **38-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республика- си Олий Мажлиси билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий ўналишларини, Давлат бюджетининг асосий параметрларини ва унга ўзгартишларни ишлаб чиқади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади.

Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисботот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари зарур бўлган холларда ўз мажлисларида Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисботини қонунга мувофиқ парламент сўрови тартибида эшитиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг палаталари Вазирлар Маҳкамаси айрим аъзосининг ўзи раҳбарлик қилаётган давлат бошқаруви органи фаолияти масалалари юзасидан ахборотини эшитиши ҳамда зарур бўлганда уни истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун таклиф киритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари Қонунчилик палатасининг мажлисида Қонунчилик палатаси депутатларининг саволларига жавобларни тақдим этади («ҳукумат соати»).

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, уларнинг қўмиталари ҳамда комиссиялари мажлислирида ҳозир бўлиши ва сўзга чиқиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг айрим аъзолари фаолиятига таалукли масалалар қўйилган тақдирда, Баш вазир шу масалалар юзасидан зарур тушунишилар олиш ва тушунтиришилар беришга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирлар кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳакида ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палатарининг тегишли қўмиталарини ва комиссияларини келишилган муддатда хабардор киласди.

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки унга бўйсунувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятига таалукли бўлган парламент сўрови, Қонунчилик палатаси депутатининг, Сенат аъзосининг шундай сўрови юборилган Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг аъзоси қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда жавоб тақдим этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида кўриб чиқладиган қонун лойиҳаларини, бошқа ҳужжатларни тайёрлаш борасида Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларининг, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари билан қонун ижодкорлиги фаолиятидаги ҳамкорлигини ташкил этиш, шунингдек қонунларнинг ижро этилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан парламент назоратини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг иштирок этишига кўмаклашиш учун Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ваколатли вакили фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ваколатли вакилининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

**39-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда унинг Администрацияси ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида баён этилган топшириқларнинг самарали ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади.

Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Президентига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисида тақдимнома киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг айрим масалаларга доир ҳужжатлари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган холда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан мажбурий тартибда келишиб олинадиган масалалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси билан ҳамкорлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалалар бўйича ҳам амалга оширилади.

**40-модда. Вазирлар Маҳкамасининг суд ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги**

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган судлар фаолиятини молиялаштириш, моддий-техник ва бошқа жиҳатдан таъминлаш, уларнинг биноларини қўриқлаш ва сақлаш учун маблағларнинг микдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига унинг ваколатига тааллуқли масалаларни кўриб чиқиш учун киритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниqlайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисига Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири иштирок этиши мумкин.

**41-модда. Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатларини самарали амалга ошириш мақ-

садида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар билан ҳамкорлик қиласди.

Вазирлар Маҳкамаси хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар фаолиятини молиявий ҳамда моддий-техник жиҳатдан таъминлайди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва куч ишлатишга ваколатли бўлган тузилмалар раҳбарлари мазкур органлар ҳамда тузилмаларнинг фаолиятига доир масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Раёсатининг мажлисларида иштирок этиши мумкин.

#### **42-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ҳамкорлик қиласди, унинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш масалаларига доир бошқа хужжатлар бажарилиши хақидаги маълумотларини эшитади;

Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг таклифларини кўриб чиқади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқарувি органлари томонидан энг муҳим тармоқлараро ҳамда ҳудудий комплекс дастурларни амалга оширишда Қорақалпоғистон Республикасининг хуқуқларига риоя этилишини таъминлайди, бунда юзага келадиган низоли масалаларни ҳал этади;

ўз ваколатлари доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг хужжатларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижросини тўхтаби туришга ҳақли.

Қорақалпоғистон Республикасини иқтисодий, ижтимоий-маданий ривожлантиришга, унинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга тааллуқли масалалар Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилаётганда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг фикри ҳисобга олинади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Доимий ваколатхонаси бўлади.

#### **43-модда. Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллий ижро этувчи хокимиият органлари билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида:

худудларни иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришни таъмин-

лаш билан боғлиқ масалаларда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлашириб боради;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳал этилиши талаб қилинадиган масалаларга доир таклифларини кўриб чиқади, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари бажарилишининг боришини назорат қиласди, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини таклиф қилишга ҳамда ушбу қарорлар ва фармойишлар амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботларни эшлишга ҳақли;

вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда бошқа давлат бошқаруви органларининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ҳамкорлигини таъминлайди, бунда юзага келадиган низоли масалаларни ҳал этади;

худудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият девонлари ходимларининг чекланган сонини ва ушбу девонларнинг намунавий тузилмасини белгилайди;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорлари ва фармойишлари ижросини тўхтатиб туришга ҳамда уларни бекор қилишга ҳақли.

#### **44-модда. Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлиги**

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қиласди, қонун ҳужжатларига мувофиқ уларга зарур ёрдам кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг таклифларини кўриб чиқади.

#### **8-боб. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлиги**

#### **45-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг очиқлигини таъминлаш**

Вазирлар Маҳкамаси «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳалқ билан очик мулоқотни таъминлайди, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг аппарати жисмоний ва юридик шахсларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратига, давлат бошқаруви органларига ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига келиб тушган мурожаатлари билан ишлаш мониторингини ва таҳлилини амалга оширади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ҳолатини ўрганиш якунлари Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлислирида ёки селектор йиғилишларида ҳар чоракда, шу жумладан тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тўғрисида таклифлар киритган ҳолда кўриб чиқилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг самарали тизими фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси билан ҳамкорлик қилади.

#### **46-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш**

Жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасига ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таъминланади.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида қўйидагилар орқали ўз фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш чора-тадбирларини кўради:

ўз расмий веб-сайтида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш ва янгилаб туриш;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлислирини ёритиш.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлислирини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, шунингдек кўриб чиқиладиган масалалар муҳокамасига жамоатчиликни жалб этиш тартиби Баш вазир томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг расмий веб-сайтига ахборотни жойлаштириш ва янгилаб туриш Баш вазирнинг матбуот хизмати томонидан амалга оширилади.

#### **9-боб. Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини ва унинг аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш**

#### **47-модда. Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини ва унинг аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш**

Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг ва унинг аппарати ходимларининг иш ҳақи лавозим маошидан ҳамда қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини ва унинг аппарати ходимларини моддий рағбатлантириш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **48-модда. Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини ва унинг аппарати ходимларини ижтимоий таъминлаш**

Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига ва унинг аппарати ходимларига йиллик ҳақ тўланадиган таътиллар берилади.

Ишлаш учун бошқа худудлардан таклиф қилинган ҳамда Тошкент шаҳрида уй-жойга эга бўлмаган Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига ва унинг аппарати ходимларига заруратга кўра уларнинг аризасига биноан лавозимда бўлиш муддатида хизмат уй-жойи берилади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзолари ва унинг аппарати ходимлари кафолатланган тиббий ҳамда санаторий-соғломлаштириш ёрдамидан фойдаланади.

Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимлари учун аввалги иш жойида узок муддатли хизмати, ҳарбий ва маҳсус унвонлар (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун берилган устамалар ва қўшимча тўловлар сақлаб қолинади.

Вазирлар Маҳкамаси аппарати ходимлари аввалги иш жойи бўйича ходимлар учун белгиланган барча имтиёзлар, моддий ва ижтимоий ҳимоя чораларидан Вазирлар Маҳкамаси аппаратида амалда бўлган меҳнат шароитлари хисобга олинган ҳолда ҳамда лавозим маоши ва бошқа тўловлар миқдорлари сақланган ҳолда фойдаланади.

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишланган давр ҳарбий ва маҳсус унвонларни (мартаба даражаларини, малака тоифаларини, дипломатик дараҷаларни ва бошқаларни) олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

## **10-боб. Якунловчи қоидалар**

### **49-модда. Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини молиялаштириш**

Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари, шунингдек қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан молиялаштирилади.

### **50-модда. Вазирлар Маҳкамасининг хужжатлари, Вазирлар Маҳкамаси мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш**

Вазирлар Маҳкамасининг хужжатлари ва унинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

# **903 Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби тако- миллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Респу- бликасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 22 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

## **1) 53-модданинг иккинчи қисми:**

**учинчи хатбоиси** куйидаги таҳрирда баён этилсан:

«фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонунда тақиқланган фаолият амалга оширилган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида бошқача коида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига кўра»;

куйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

«молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда харакатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичida

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 декабрда эълон қилинган.

фаолият тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига қўра, бундан нодавлат нотижорат ташкилотлари мустасно»;

**2) 55-модданинг:**

**биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи юридик шахснинг тугатилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектини ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги эълон рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади»;

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги эълонда унинг кредиторлари талабарини билдириш тартиби ва муддатлари кўрсатилади. Бу муддат тугатиш тўғрисидаги эълон чиқсан пайтдан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги керак»;

**иккинчи — ўн биринчи қисмлари** тегишинча **учинчи — ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**ўн биринчи қисмидаги** «Давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқла-рини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 223-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда) қўйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**1) 98-модда:**

қўйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига қўра жамиятни тугатиш ушбу жамият молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда харакатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичida унинг фаолияти тикланмаган тақдирда амалга оширилади. Бунда тугатувчи тайинланмайди, бундан ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

**олтинчи қисм еттинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**2) 99-модданинг:**

**биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатувчи жамиятнинг тугатилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги эълон рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан унинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади»;

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жамиятнинг тугатилиши ҳақидаги эълонда унинг кредиторлари талабарини билдириш тартиби ва муддатлари кўрсатилади. Бу муддат тугатиш

тўйрисидаги эълон чиқкан пайтдан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги керак»;

**иккинчи — саккизинчи қисмлари тегишинча учинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансан.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер хўжалиги тўйрисида**»ги 602-І-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662-ІІ-сонли Конуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда) кўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

**1) 32-модда:**

**иккинчи хатбоиси** кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш бўйича очиқ танловда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва пул маблағлари устав фондига киритилмагандა»;

кўйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсан:

«молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда харакатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичida фаолият тикланмаган тақдирда»;

**учинчи — олтинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи — еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансан;

**2) 33-модданинг биринчи қисми** кўйидаги таҳрирда баён этилсан:

Фермер хўжалиги:

фермер хўжалиги бошлиғининг қарорига биноан;

конун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан;

молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда харакатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичida фаолият тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига биноан тутатилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўйрисида**»ги 69-ІІ-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ-328-сонли Конуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил,

№ 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда) **49-моддасининг биринчи қисми** «ёхуд суднинг» деган сўзлардан кейин «ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310-II-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда, 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда) **55-моддасига** қўйидаги қўшимча ва ўзгариш кириллсин:

қўйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра жамиятни тугатиш ушбу жамият молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда харакатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичida унинг фаолияти тикланмаган тақдирда амалга оширилади. Бунда тутатувчи тайинланмайди, бундан ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган холлар мустасно»;

**олтинчи ва еттинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансан.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «**Хусусий корхона тўғрисида**»ги 558-II-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда) **28-моддасининг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хусусий корхона унинг мулкдорининг ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суднинг қарорига кўра қайта ташкил этилиши мумкин.

Хусусий корхона унинг мулкдорининг ёки суднинг ёхуд рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра тугатилиши мумкин».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда ушбу Конуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Конунга мувофиқлаштирасин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Конунга зид бўлган ўз норматив-

**903-модда**

**— 62 —**

**50 (914)-сон**

хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**9-модда.** Ушбу Қонун 2020 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 11 декабрь,  
ЎРҚ-592-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **904 Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Республиканинг географик жойлашуви ҳисобга олган ҳолда замонавий автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишда, республика транспорт салоҳиятини ривожлантиришда ва экспорт имкониятларини кенгайтиришда биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Ўтган йиллар давомида халқаро стандартларга мувофиқ йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, замонавий автомобиль йўлларини қуриш, йўл харакати қулайлиги ва хавфсизлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш бўйича ишларни молиялаштириш сезиларли даражада кўпайтирилди, бу эса охирги йилларда бажариладиган йўл-курилиш ва таъмирлаш ишлари ҳажмларини деярли уч баравар ошириш имконини берди.

Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси каби халқаро молия институтлари билан биргаликда йўл қурилиши соҳасида лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки маблағларини жалб қилган ҳолда илфор халқаро стандартларга мувофиқ тезюарар пулли автомобиль йўллари қуриш бўйича лойиҳаларни тайёрлашга киришилди.

Шу билан бирга, республика йўл хўжалигини давлат томонидан бошқариш тизимида рақобат муҳитини шакллантириш ва тармоққа инвестициялар жалб этилишига тўқсқинлик қилаётган қатор муаммолар ва камчиликлар мавжуд.

Жумладан, йўл тармоғига инвестицияларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб қилиш бўйича узок муддатли стратегиянинг ўққилиги харажатларнинг асосий молиявий юкини Давлат бюджетига юклаган ҳолда ишларни молиялаштиришнинг муқобил манбаларидан фойдаланиш имконини бермаяпти.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузу-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 декабрда эълон қилинган.

ридаги Автомобиль йўллари қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) томонидан назорат ва хўжалик функцияларининг, шу жумладан буюртмачи ва пурратчи ваколатларининг бирга олиб борилиши бошқарувнинг самарали тизимини яратиш ва йўл-қурилиш ишлари бозорида соғлом рақобат мухитини шакллантириш имконини бермаяпти.

Йўл хўжалигини бошқаришнинг замонавий тизимини яратиш, назорат ва хўжалик функцияларини аниқ чегаралаш, монополиядан чиқариш, хусусий сектор корхоналарини жалб қилиш ва инвестицион жозибадорликни ошириш ҳисобига соғлом рақобат мухитини шакллантириш, йўл қурилишига инновацияларни кенг жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Транспорт вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда етакчи хорижий эксперталар ва маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда 2020 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига қўйидагиларни назарда тутивчи 2030 йилгача автомобиль йўлларини ривожлантириш стратегиясини киритсин:

халқаро аҳамиятга молик замонавий автомобиль йўллари тармоғини ва тезюар автомобагистралларни ривожлантириш, шунингдек, уларни халқаро транспорт йўлакларига интеграциялаш орқали республиканинг транзит ва логистика салоҳиятини ошириш;

инвестициялар, халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш орқали бюджетга тушадиган юкни босқичма-босқич камайтириш;

автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш учун харажатларни 2020 йилгача босқичма-босқич камида икки баравар қўпайтириш;

йўл қурилиши соҳасидаги энг устувор лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолашнинг, шунингдек, уларни амалга ошириш самарадорлигини прогнозлашнинг халқаро эътироф этилган методологиясини қўллаш;

автомобиль йўллари холатини мониторинг қилувчи, зарур статистика маълумотларини тўпловчи ва юритувчи, йўл активларини бошқариш бўйича янги технологиялар ва дастурларни жорий этиш;

мавжуд йўл инфратузилмасидан самараали фойдаланиш мақсадида транспорт оқимларини бошқаришнинг замонавий тизимларини қўллаш.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, йўл-қурилиш ишларини техник назорат қилиш учун янгидан бошланадиган обьектлар бўйича шартномалар факат давлат харидлари тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ ўтказиладиган танлов (тендер) якунлари бўйича тузилади;

йўл-қурилиш ишлари бўйича консалтинг хизматлари (техник назорат) аутсорсинг шартлари асосида халқаро амалиётга, шу жумладан FIDIC коидаларига мувофиқ мустақил ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин;

Тошкент шаҳри кўчаларини қуриш ва таъмирлаш бўйича буюртмачи-нинг функцияларини синов тарзида Тошкент шаҳар ҳокимлиги амалга оширади.

3. 2020 йил 1 январдан бошлаб қўйидагилар:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини, минтақавий автомобиль йўлларини ва кўприкларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни лойихалаштириш бўйича ташкилотлар фақат «Йўл лойиха буроси» МЧЖ, «Боштранслойиха» АЖ ва «Автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни лойихалаш институти» ДУК хисобланиши;

автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш бўйича буюртмачи фақат «Автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш дирекцияси» УК хисобланиши;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини, минтақавий автомобиль йўлларини ва кўприкларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотлари фақат Кўмитанинг таркибий бўлинмалари ва «Кўприккурилиш» Трести» УК хисобланиши;

нефть битумининг йўлларга мўлжалланган маркаларини реализация қилиш соҳасида фаолият олиб бориш ҳукуқи учун лицензия олиш талаб этилиши тўғрисидаги талаблар бекор қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг қўйидагилар тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

йўл-қурилиш корхоналарини масъулияти чекланган жамиятлар этиб қайта ташкил этган холда Кўмита таркибидан чиқариш;

«Йўлқурилиш» АЖни ташкил этиш ва унга Кўмита таркибидан чиқариладиган корхоналар устав жамғармаларидаги давлат улушини ўтказиш;

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ «Кўприккурилиш» Трести» УК корхоналари негизида «Кўприккурилиш» АЖни ташкил этиш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида жойлашган «Кўприккурилиш» Трести» УК ихтиёридаги кўприкларни (йўл ўтказгичларни) Кўмита ихтиёрига, шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларидаги, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидаги кўприкларни (йўл ўтказгичларни) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрига ўтказиш.

5. Белгилаб қўйилсинки, Кўмита автомобиль йўллари соҳасидаги маҳсус ваколатли орган бўлиб, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойихалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш бўйича ишларнинг ягона буюртмачиси хисобланади.

Кўмита зиммасига «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида назарда тутилган вазифалар билан бир қаторда қўйидагилар бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юклансин:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоини тегишли ҳолат-

да сақлаш ва ривожлантириш, уларнинг ўтказиш қобилиятини ошириш, автомобиль йўллари фойдаланувчиларига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, шунингдек, йўл ва йўл бўйи сервиси объектларини ривожлантиришни мувофиқлаштириш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштироқида, шунингдек, донорлар маблағларини жалб қилган ҳолда йўл қурилиши соҳасида лойиҳалар ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

тармоққа инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва молиялаштиришнинг муқобил манбаларини, шу жумладан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш орқали излаш;

замонавий менежмент тизимларини, илфор хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ ишни ташкил этишнинг инновацион шакллари ва усусларини жорий этиш орқали тармоқни бошқаришни такомиллаштириш;

йўл қурилиши, йўл-қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкциялар ишлаб чиқариш соҳасини техник тартибга солиша норматив ҳужжатлар ва талабларга риоя этилишини таъминлаш;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларида ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланишни белгиланган тартибда ташкил этиш;

транспорт оқимларини бошқаришнинг замонавий рақамли автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш.

6. Қўйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

а) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари Қўмита ихтиёрида, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари, ҳўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида, ҳўжалик автомобиль йўллари тегишли ташкилотлар ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлади;

б) автомобиль йўлларида эксплуатация ишлари қўйидагилар томонидан амалга оширилади:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида — Қўмита томонидан;

شاҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларида, ҳўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларида — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан;

ташкилотлар ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ҳўжалик автомобиль йўлларида — уларнинг ўзи томонидан.

7. Йўл инфратузилмаси сифатини ривожлантириш ва яхшилашда, минтақавий автомобиль йўллари тармогини ва йўл инфратузилмасини ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлигини янада кенгайтириш мақсадида шундай тартиб жорий этилинки, унга кўра:

Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари автомобилга ёнилғи ва газ қўйиш

станциялари томонидан автомобиль бензини, дизель ёқилғиси, суюлтирилган ва сиқилган газни охирги истеъмолчиларга реализация қилишда ёқилғи бирлиги учун 25 сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда миңтақавий йўлларни ривожлантиришга маҳсус йифим жорий этишга ҳақли;

Туманлар (шаҳарлар) халқ депутатлари Кенгашлари транспорт воситаси двигателининг қувватидан келиб чиқиб, автотранспорт воситасига эгалик қилиш учун йиллик йифим жорий этишга ҳақли.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатиб ўтилган йифимлар кенг жамоатчилик муҳокамалари асосида, муайян маъмурий-худудий бирлик аҳолиси даромадлари даражасини ҳисобга олиб ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда киритилади.

8. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

йўл харакатини тартибга солиш, мавжуд йўл-транспорт инфратузилмасидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, йўл харакати иштирокчилари масъулиятини ошириш мақсадида автомобиль йўллари ва кўчалар бўйлаб автомобиль сақлаш жойларидан фойдалангандик учун тўлов белгилашга ҳақли;

транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш учун йифимнинг базавий ставкалари миқдорларини, шунингдек, йифимнинг базавий ставкасига транспорт воситаси двигатели қувватидан келиб чиққан ҳолда тоифаланадиган қўшимча коэффициентларни белгилайди.

#### 9. Қўйидагилар:

лойиҳалаш, йўл-қурилиш ишларини, шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда эксплуатация ишларини молиялаштириш учун йўналтириладиган маблағларни тўплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларида, хўжаликлараро кишлоқ автомобиль йўлларида (кейинги ўринларда — миңтақавий йўллар) лойиҳалаш, йўл-қурилиш, таъмирлаш ва эксплуатация ишларини молиялаштириш учун йўналтириладиган маблағларни тўплаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бош молия бошқармалари ҳузурида автомобиль йўлларини ривожлантириш худудий мақсадли жамғармалари ташкил этилсин.

10. Қўйидагилар жамғармаларни шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси учун:

лойиҳалаш ва йўл-қурилиш ишларини, шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ишларни молиялаштириш учун республика бюджетидан ҳар йили ажратиладиган мақсадли маблағлар;

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 30 йил давомида узиш шарти ва 5 йиллик имтиёзли даври билан ажратиладиган фоизсиз кредитлар шаклида 2020 йилда 50 млн. АҚШ доллари ва 2021 — 2024 йилларда ҳар йили 100 млн. АҚШ доллари;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида жорий таъмирлаш ва эксплуатация ишларини молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларидан ҳар йили ажратиладиган мақсадли маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари бош молия бошқармалари хузуридаги автомобиль йўлларини ривожлантириш ҳудудий мақсадли жамғармалари учун:

минтақавий йўлларда йўл-курилиш, таъмирлаш ва эксплуатация ишларини молиялаштириш учун маҳаллий бюджетлардан ҳар йили ажратиладиган мақсадли маблағлар;

минтақавий йўлларни ривожлантириш учун маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари томонидан жорий этиладиган йифимлар;

автомобиль йўллари ва кўчалари бўйлаб автомобиль сақлаш жойларидан фойдаланганлик учун тўловлар;

транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш учун йифимнинг базавий ставкасига кўшимча коэффициентларни қўллашдан тушадиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармасидан трансферлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, автомобильга эгалик учун йиллик йифим туман (шаҳарлар)нинг тегишли бюджетларига йўналтирилади ҳамда ушбу туман (шаҳарлар)нинг минтақавий йўлларидаги таъмирлаш ва эксплуатация ишлари учун мақсадли сарфланади.

Умумий фойдаланишдаги йўлларда жорий таъмирлаш ва эксплуатация ишларини молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларида назарда тутилган маблағларни бошқа мақсадлар учун қайта тақсимлаш тақиқланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари билан биргаликда республика автомобиль йўлларининг ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, уларнинг мансублигини белгилаш ҳамда тегишли органлар ва ташкилотларга бириктириш мақсадида 2020 йил 1 марта қадар барча автомобиль йўллари, шу жумладан қўприклир тўлиқ хатловдан ўтказилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари билан биргаликда 2022 йил 1 декабрга қадар автомобиль йўллари, шу

жумладан кўприклар давлат кадастри геоахборот тизими яратилишини, хусусан, қуидагиларни таъминласин:

геоахборот тизими мобил иловасини қўллаган ҳолда автомобиль йўлла-ри обьектлари жойлашувини аниклаш;

ерни масофадан туриб зондлаш асосида автомобиль йўлларининг электрон картография асосини яратиш;

республика автомобиль йўлларининг ягона электрон маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда автомобиль йўллари обьектларини хисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш мақсадида автомобиль йўллари давлат кадастрининг веб геоахборот тизимини шакллантириш;

автомобиль йўллари давлат кадастрининг веб геоахборот тизимини Давлат кадастрлари ягона тизимига интеграция қилиш.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар қуидаги маблағлар хисобидан амалга оширилади:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйича — Молия вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси;

минтақавий йўллар бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бош молия бошкармалари хузурида автомобиль йўлларини ривожлантириш ҳудудий мақсадли жамғармалари.

13. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2020 йил 1 февралга қадар пулли автомобиль сақлаш жойлари қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторларга имтиёзлар тақдим этишни назарда тутган ҳолда автомобиль йўллари ва кўчалар бўйлаб пулли автомобиль сақлаш жойларини ташкил этиш, шу жумладан пулли автомобиль сақлаш жойлари ташкил этиладиган автомобиль йўллари ва кўчаларни танлаш, шунингдек, автомобиль сақлаш жойларидан фойдаланиш учун тўлов ундириш тартиби тўғрисидаги хукумат қарори лойиҳасини киритсин;

2020 йил 1 июлга қадар, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида шаҳарларда, вилоятлар ва туманлар марказларида автомобиль йўллари ва кўчалар бўйлаб пулли автомобиль сақлаш жойлари тармоғи ташкил этилишини таъминласин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2020 йил 1 марта қадар транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш учун йиғимнинг базавий ставкалари миқдорларини, шунингдек, йиғимнинг базавий ставкасига транспорт воситаси двигатели қувватидан келиб чиқсан ҳолда тоифаланадиган қўшимча коэффициентларни тасдиқласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси:

а) бир ой муддатда ушбу Фармон талабларига мувофиқ йўл тармоғини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар

тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

б) 2019 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бош молия бошқармалари хузуридаги автомобиль йўлларини ривожлантириш худудий мақсадли жамғармалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда уларнинг маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартибини белгилаш тўғрисидаги ҳукумат қарорини қабул қилсин ва бунда, шунингдек, қўйидагиларни назарда тутсин:

мақсадли жамғармалар маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган йўл қурилиши соҳасидаги лойиҳаларни кенг жамоатчилик орасида мухокама қилиш, шунингдек, мазкур лойиҳаларни амалга ошириш жараёни, шу жумладан лойиҳа ва пуррат ташкилотлари, бажариладиган ишлар қиймати тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш;

мақсадли жамғармалар тушумлари ва харажатлари тўғрисидаги маълумотларни мунтазам эълон қилиш;

в) уч ой муддатда йўл қурилиши соҳасидаги энг устувор лойиҳаларни танлаб олиш ва баҳолаш, шунингдек, замонавий стандартларни ҳисобга олган холда автомобиль йўллари ҳолатини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

16. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчisi Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 декабрь,  
ПФ-5890-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **905 Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5890-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, республика йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида:

### 1. Кўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ;

устав фондида давлат улуши «Йўлқурилиш» АЖга ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси корхоналари рўйхати 3-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ихтиёрига ўтказиладиган илмий-тадқиқот ва таълим муасасалари рўйхати 4-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси (кейинги ўринларда — Кўмита) раисига қўйидаги хукуқлар берилсан:

Кўмита марказий аппаратининг тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

автомобиль йўлларини таъмирлаш ва эксплуатация қилиш билан шуғулланувчи мустақил корхоналар ва бошқа корхоналар, шу жумладан қўшма корхоналар ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Кўмита таркибидаги корхоналарни бирлаштириш ва тугатиш.

### 2. Белгилансинки:

Кўмита раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Кўмита ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан норматив-ҳуқукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритиш хукуқига эга;

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 декабря эълон қилинган.

\*\* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

автомобиль йўллари ва йўл хўжалиги масалалари бўйича норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳалари Қўмита билан албатта келишилиши лозим;

Қўмитанинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

туман йўл-эксплуатация корхоналари, йўллардан мунтазам фойдаланиш корхоналари, «Ўзйўлкўкаламзорлаштириш» УКнинг худудий бўлинмалари, қўприклардан фойдаланиш корхоналари ва Қўмитанинг бошқа йўл-эксплуатация корхоналарини сақлаб туриш, шу жумладан уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларга рафбатлантирувчи қўшимча ҳақ ҳамда устамалар тўлаш ушбу корхоналар томонидан бажариладиган иш ҳажмлари маблағлари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Қўмита томонидан жалб қилинадиган халқаро консультантнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирилиги ҳузуридағи Автомобиль йўллари қўмитасини ривожлантириш ва фаолиятини қўллаб-куватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан амалга оширилади;

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб:

республика ҳудудида, шунингдек, республика ҳудудига кирадиган оғир ва йирик габаритли автотранспорт воситаларининг вазн ва ҳажм параметрларини назорат қилиш, шунингдек, автомобиль йўллари бўйлаб ҳаракатлаши учун йифимлар ундириш ва уларнинг ҳаракатланиши (кириши) учун рухсатномалар бериш Қўмита томонидан амалга оширилади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида йўл ҳаракатини тартибга солишининг техник воситалари ва уларнинг конструкциялари, шу жумладан фото- ва видеоқайд этиш техник воситалари Қўмита билан келишилган ҳолда ўрнатилади;

автомобиль йўлларининг қатнов қисмларига узунасига жойлашган муҳандислик коммуникацияларининг янги тармоқларини лойиҳалаштириш ва ётқизиш тақиқланади, уларнинг автомобиль йўллари билан кўндаланг кесишиши бундан мустасно.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 31 декабрга қадар қўйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи хукумат қарорини қабул қиласин:

Қўмита томонидан автомобиль йўлларида автотранспорт воситаларининг вазн ва ҳажм параметрларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби;

хорижий юқ автотранспорт воситаларининг республика автомобиль йўллари бўйлаб ўтиши километрини ёки вақтини ҳисоб-китоб қилиш ва бунинг учун ҳақ ундириш тартиби;

ўлчов воситаларини жиҳозлаш бўйича ишларни 2021 йил охиригача якунлашни назарда тутган ҳолда автоматлаштирилган ўлчаш воситалари

билин жиҳозланган автотранспорт воситаларининг вазн ва ҳажм параметрларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича турғун ва кўчма постлар ташкил этиш дастурлари.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларидаги ер участкалари Қўмитага босқичма-босқич бириктирилишини таъминласин.

6. Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қўйидаги тартибини ўрнатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, унга мувофиқ:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларида жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида ташки реклама объектлари (конструкциялари) Қўмита рухсати асосида қурилади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўл бўйи минтақасидаги ер участкаларида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо, сервис объектлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти учун бошқа объектлар Қўмита билан келишув бўйича жойлаштирилади ва қурилади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларида жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида ташки реклама объектлари (конструкциялари) қуриш учун электрон аукционлар якунлари бўйича хуқук тақдим этишдан тушадиган маблағлар, шунингдек, ташки рекламанинг ўрнатилган объектлари (конструкциялари) учун ойлик тўловлар 60 фоиз микдорида Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бош молия бошқармалари хузуридаги худудий мақсадли жамғармаларга, 40 фоиз микдорида Жамғармага йўналтирилади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг йўл бўйи минтақасида жойлашган ер участкаларида ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, савдо, сервис объектлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа объектларини жойлаштириш ва қуриш учун мазкур ер участкаларидан фойдаланиш хуқукини реализация қилишдан тушадиган маблағларнинг 60 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бош молия бошқармалари хузуридаги худудий мақсадли жамғармаларга, 40 фоизи Жамғармага йўналтирилади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларида жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида ташки рекламани жойлаштириш хуқуки учун йиғимлардан тушадиган маблағлар Жамғармага йўналтирилади.

7. Белгилансинки, Қўмита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда молиялаштиришнинг белгиланган лимитлари доирасида автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал

таъмирлаш объектларининг тасдиқланган манзилли рўйхатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хукуқига эга.

8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар йўл бўйи сервиси обьектларини жойлаштириш ва эксплуатация қилиш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

9. 2020-2021 йилларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида пулли автомобиль йўлларини барпо этиш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича «Йўл ҳаритаси» 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин, Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг ва молия вазирининг биринчи ўринbosарларига уларни амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

#### 10. Белгилаб қўйилсинки:

«Йўлқурилиш» АЖ устав капитали 2019 йил 1 июлдаги активларни хисобга олиш ҳолати бўйича Қўмита таркибидан чиқариладиган корхоналар устав жамғармаларида давлат улушларини номинал қиймати бўйича 2020 йил 1 декабрга қадар ўтказиш ҳисобига шакллантирилади;

«Йўлқурилиш» АЖ акцияларининг давлат пакети Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан бошқарилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда қўйидаги йўналишларда «Йўлқурилиш» АЖ фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласин:

халқаро стандартлар асосида инновацион технологияларни жорий этган ҳолда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш;

замонавий автойўл конструкциялари ва ускуналарини, шунингдек, юқори сифатли йўл-қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашда механизациялашган ишларни бажариш;

автомобиль йўллари бўйлаб сервис хизматлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш;

жамият таркибига кирадиган йўл-қурилиш ва бошқа корхоналарни босқичма-босқич хусусийлаштириш чораларини амалга ошириш.

#### 12. «Йўлқурилиш» АЖ:

эмиссия қимматли қофозлари чиқаришни давлат томонидан рўйхатга олиш ва қимматли қофозлар чиқариш тўғрисидаги хужжатларни кўриб чиқиш учун йиғимлар;

қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг ўтказиб берилаётган автотранспорт воситаларини қайта рўйхатга олишда автотранспорт йиғимларини тўлашдан озод этилсин.

#### 13. «Ўзавтосаноат» АЖ 2020 йил 1 марта қадар етакчи хорижий ком-

\* 5-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

паниялар билан биргаликда арzon нархларда, ички бозор эҳтиёжларини қондириш учун етарли ҳажмда юкори сифатли самосваллар ишлаб чиқариш ташкил этилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Транспорт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда республика шаҳарлари ва туманлари ободонлаштириш бошқармаларининг йўл-кўприк хўялигини эксплуатация қилиш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва автомобиль йўлларини эксплуатация қилишда Қўмита бўлинмалари билан ҳамкорлик қилишининг самарали механизмларини белгилаш бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи хукумат қарори лойиҳасини киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда илфор хорижий тажриба асосида, мамлакатимизнинг иқлим хусусиятларини ва ҳаракатланиш интенсивлигини ҳисобга олган холда автомобиль йўллари ва йўл инфратузилмасини қуриш соҳасидаги амалдаги норматив хужжатларни қайта қўриб чиқиш бўйича ишларни фаоллаштирун.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июнданги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон карорига 6-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

17. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсан;

бир ой муддатда автомобиль-йўл соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини автомобиль йўллари қуришнинг халқаро стандартларига мувофиқ тубдан такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсан;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги хузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

2020 йил 1 январга қадар манфаатдор идоралар билан биргаликда автомобиль йўллари бўйича етакчи халқаро ташкилотларга (Халқаро йўллар федерацияси, Халқаро йўл уюшмаси ва бошқаларга) аъзо бўлишнинг, шунингдек, автомобиль йўллари соҳасидаги халқаро шартномаларга (Халқаро автомагистраллар тўғрисидаги Европа битимига (Женева шахри, 1975 йил 15 ноябрь) ва бошқаларга) қўшилишнинг амалдаги аҳамияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан;

---

\* 6-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон килинган.

2020 йил 1 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги билан биргаликда республиканинг автомобиль йўлларида юк автотранспорт воситаларининг айрим тоифалари ҳаракатланиши тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, йилнинг ҳарорат юқори бўлган вактларида уларнинг ҳаракатланишига мавсумий чекловлар жорий этилишини назарда тутсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 декабрь,  
ПҚ-4545-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**906 Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда  
давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига за-  
монавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбир-  
лари тўғрисида\***

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ва ахолини ташвишга солаётган жиддий муаммоларни аниқлашнинг бутунлай янгича тизимининг жорий этилиши қисқа вақт ичida фуқароларнинг давлат институтларига ишончи даражасини ортишига ва давлат хизматчилари томонидан ўзига юклатилган иш соҳасига муносабати ва масъулиятини тубдан ўзгартириш имконини берди.

Шу билан бирга, ўtkazilgan таҳлиллар вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи хокимият органлари, бошқа давлат ташкилотларида (ке-

\* Ушбу карор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 декабрьда эълон қилинган.

йинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) эскирган бюрократик усулларда иш юритиш, шу жумладан хужжатлар айланмасига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш даражасининг пастлиги, қоғозбозлик ҳажмининг юқорилиги, шунингдек, амалий аҳамиятга эга бўлмаган кўплаб йиғилиш ва мажлислар ўтказиш амалиёти сақланиб қолаётганинги кўрсатди.

Давлат томонидан тартибга солиш ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш, маъмурий тартиб-таомилларни қисқартириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўйналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Адлия вазирлиги, вазирлик ва идораларнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) 2020 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг алоҳида функция ва ваколатларини тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига 1-иловага\* мувофиқ ўтказиш;

б) 2020 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қуйидагиларни назарда тутувчи функция ва ваколатларини чиқаруб ташлаш:

технологик, ўрмон-мелиорация, агротехник, гидротехник, санитария-техник тадбирларни келишиш;

бузилиши учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган, жамоат тартибини сақлаш масалалари, агар улар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан тартибга солинмаган бўлса, шунингдек, табиий оғат ва эпидемиялар билан курашиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш;

атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг турғун манбалари томонидан атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариш бўйича давлат экологик экспертизаси хulosасида назарда тутилган шартлар ва талаблар бузилиши билан боғлиқ фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш масаласида қарор қабул қилиш;

ўрмонларнинг ҳолатига заарар етказилган ҳолларда ташкилотлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш бўйича қарор қабул қилиш;

бозор фаолиятини тўхтатиб туриш бўйича қарор қабул қилиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари 2-иловада\* назарда тутилган хужжатларни фуқаролардан талаб қилиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларнинг берилишига йўл қўйилмайди;

2021 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмалари ўртасида хужжат айланиши ва ҳисботлар-

---

\* 1-2-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни юритиши фақат электрон кўринишда шакллантирилади ва амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 марта қадар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти бўйича зарур ҳисоботларни реал вақт режимида тузиш ҳамда 2021 йил 1 январга келиб қофоз кўринишидаги бланклар, шакллар ва жадвалларни тўлдиришдан тўлик воз кечиш имконини берадиган Барча давлат органлари ва ташкилотларида ҳисобот ва хужжат айланишини юритишининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини Вазирлар Махкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Давлат органлари ва ташкилотлари Барча давлат органлари ва ташкилотларида ҳисобот ва хужжат айланишини юритишининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасида назарда тутиладиган муддатларда ҳисобот юритишининг автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич жорий этилишини ва унинг тўлақонли ишлашини таъминласин.

Белгилансинки, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига ҳисобот ва хужжат айланишини юритишининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 марта қадар давлат органлари ва ташкилотларининг барча ходимлари ва раҳбарларини белгиланган тартибда электрон рақамли имзолар билан таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги «Идораларро коллегиал органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5527-сон Фармонига мувофиқ Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалдаги идораларро коллегиал органларнинг фаолияти таҳлил қилинганини ва самарадорлиги баҳолангандиги, натижасига кўра уларни янада қисқартириш ва мақбуллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганини маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати хужжатлари билан тузилган З-иловага<sup>\*</sup> мувофиқ рўйхат бўйича алоҳида идораларро коллегиал органларнинг айримлари ваколатларини тегишли давлат органлари ва ташкилотларига ўтказган ҳолда, 2020 йил 1 январдан бошлаб уларни тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 марта қадар мазкур қарорнинг З-иловасини амалга оширишга қаратилган тегишли тадбирлар амалга оширилишини таъминласин ва бунда кўйидагилар назарда тутилсин:

\* З-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тутатилаётган идоралараро коллегиал органларнинг вазифалари, функциялари, хукуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган норматив-хукукий хужжатларни хатловдан ўтказиш ва ўрганиш;

ўтказилган хатлов ва ўрганиш натижаларига кўра аниқланган тутатилаётган идоралараро коллегиал органларнинг долзарб ваколатларини тегишли давлат органлари ва ташкилотларига ўтказишни назарда тутивчи норматив-хукукий хужжатлар лойихаларини ишлаб чиқиш.

8. Бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамоийлларини жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда — Академия) икки ой муддатда вактни тўғри ташкил этиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш технологиялари (time management), бюрократия, қофозбозлик ва йиғилишлар ўтказиш амалиётини бекор қилиш бўйича ўқув дастурини ишлаб чиқиб, Академия ва унинг филиалларида давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ва раҳбарлари учун курсларни келишилган муддатларда ташкил этсин.

#### 10. Белгилансинки:

Академия ва унинг филиалларидағи ўқув курслари пуллик асосда олиб борилади ва ушбу курсларда иштирок этиш тасдиқланган курслар графигига киритилган давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ва раҳбарлари учун мажбурийдир;

Академия ва унинг филиалларидағи ўқув курсларида ўқиши билан боғлиқ харажатлар бюджетдан ташқари маблағлар ва конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар, шунингдек, ходимлари курс тингловчилари ҳисобланган давлат органлари ва ташкилотларининг маблағлари хисобидан қопланади.

#### 11. Қуйидагиларга:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мазкур қарор талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ҳамда аниқланган қоидабузарликларни кенг ёритиш;

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш республика марказига давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида мазкур қарор талабларига риоя қилиш ҳолати бўйича аноним сўровномалар ўтказиш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда унинг таркибий бўлинмалари давлат органлари ва ташкилотларида давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бюрократияни, қофозбозликни янада қисқартириш бўйича аниқ ва асослантирилган таклифларни киритган ҳолда мазкур қарор ижроси бўйича таъсирчан мониторинг ва таҳлиллар олиб борсин.

---

\* 4-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини ёритишга оид мақолалар ва телекўрсатувларни ташкил этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун хужжатларига ушбу карордан келиб чикадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 декабрь,  
ПҚ-4546-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**907 Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада  
ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжири-  
ни яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Сўнгги йилларда кишлоп хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, кишлоп хўжалигида ишлаб чиқаришнинг кластер усули йўлга қўйилди, кластерларга ажратилган кишлоп хўжалиги майдонларининг ҳажми экин турлари бўйича пахта-тўқимачиликда — 67 фоизни, чорвачиликда — 8 фоизни, мева-сабзавотчиликда — 7,5 фоизни ташкил этмоқда.

Кластер усулида етиширилган хом ашёни қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулот кўринишида истеъмолчига етказиб бериш имконини бермоқда.

---

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 декабрда эълон қилинган.

Бугунги кунда республикамизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт килинмоқда. 2010 йилда экспортнинг 11,3 фоизи пахта толаси хиссасига тўғри келган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1,6 фоизгача камайди.

Шу билан бирга, соҳада, айниқса, мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришда самарали бозор механизмлари тизимли йўлга қўйилмаганилиги, илмий ёндашувнинг етарли эмаслиги тармоқнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслигига олиб келмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хом ашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнфоқдан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, мева-сабзавот ва узумчилик соҳасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт хажмини ошириш, фойдаланишдан чиқсан ва лалми ерларни ўзлаштириш, пахта, ғалладан қисқартирилаётган майдонларга экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, боғ, токзор ва иссиқхоналар имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 марта «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4239-сон қарорига асосан:

Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг 8 та туманида жами 41 та мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан кам таъминланган оиласалар бандлигини таъминлаш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб этган ҳолда 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманганд вилоятларининг 22 та туманида 31 та, 2021 йилда республика бўйича 100 та қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иктисолиёт ва саноат вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда кластер ва кооперация тизимини ривожлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва

экспорт қилиш бўйича кластерларни (кейинги ўринларда — мева-сабзавот кластери) ташкил этиш ташаббускор, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида тузиладиган уч томонлама келишув (кейинги ўринларда — уч томонлама келишув) асосида амалга оширилади;

мева-сабзавот кластерини ташкил этиш бўйича ташаббускорлар, қоида тариқасида, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар орасидан, уларнинг тажрибаси ва имкониятларидан келиб чиқиб танлаб олинади, бунда биринчи навбатда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича тўлиқ ишлатилмаётган қувватларни ишга тушириш назарда тутилади;

мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирувчиларни мева-сабзавот кластерларига бириктириш улар билан қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ҳамда туман ҳокимлиги ўртасида ихтиёрийлик асосида тузиладиган маҳсулот етказиб бериш шартномалари орқали амалга оширилади;

мева-сабзавот кластери иштирокчилари — маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар маҳсулот етказиб бериш шартномалари орқали тартибга солинади;

маҳсулот етказиб бериш шартномалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари томонидан қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларнинг таклифлари асосида қабул қилинадиган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар ва уч томонлама келишув шартлари асосида тузилади ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилади;

маҳсулот етказиб бериш шартномалари фуқаролик қонун хужжатлари талаблари асосида тузилади, уларда шу жумладан маҳсулот нархини ҳақиқий харажатдан келиб чиқиб аниқлаш, харид қилинадиган маҳсулот учун олдиндан ажратиладиган аванс маблағлари ҳисобига маҳсулот етиштирувчиларни уруғ, кўчкат, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, агротехника ва агрокимё хизматлари кўрсатиш, янги инновацион технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар бериш, ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсашиб назарда тутилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туманинг барчасидаги мавжуд боғ ва токзорларни тўлиқ хатловдан ўтказсин;

ўтказилган хатлов натижаларига кўра самарасиз боғ ва токзорларни янгилаш юзасидан ҳар бир туман кесимида манзилли рўйхатларни шакл-

лантирсин ва тасдиқласин, бунда 2020 йил давомида яроқсиз боғ ва токзорларни, 2021 — 2025 йилларда эса кам ҳосилли, эскирган ва самарасиз боғ ва токзорларни янгилаш назарда тутилсин;

янги боғ ва токзорларни барпо этиш уларни олдиндан аниқ мева-сабзавот кластерига ёки қишлоқ хўжалиги бирлашмасига бириктирилишини, иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини назарда тутган ҳолда амалга оширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги хамда Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очик ер майдонлари, ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан бўшаган майдонлар, шунингдек, яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган ерларда интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида, шу жумладан тижорат банклари ва лизинг компаниялари орқали бериш, кейинчалик улар негизида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва мева-сабзавот кластерлари тузиш ишларини ташкил қилсин.

5. Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари ва мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини рағбатлантириш уларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади, бунда маҳсулот етиширувчиларни уч томонлама келишув иштирокчиси бўлган қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар орқали айланма маблағлар билан таъминлаш, янги боғ, токзор ва иссиқхоналар барпо этиш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш обьектларини яратиш учун тижорат банклари томонидан ажратилидиган 20 миллиард сўмгача микдордаги кредитлар бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси хисобидан фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмига компенсация ёки кредит суммасининг 50 фоизи микдорида кафиллик тақдим этилади.

6. Интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш лойиҳаларини молияластиришда иштирок этадиган тижорат банкларига ушбу лойиҳалар учун кредитлар ажратишда боғ ва токзорлар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) асосий қарз бўйича имтиёзли давр белгилаш тартибини жорий этиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда:

мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етишириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг маблағлари кенг жалб қилинишини;

халқаро молия институтларининг жалб қилинган маблағларини Қоралапғостон Республикаси ва вилоятлар кесимида маҳсулот етиширувчи-

лар, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга манзилли етиб боришини таъминласин.

8. Қуидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғарма-си ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғарма-си ҳисобидан — қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари ва мева-саб-завот кластерлари иштирокчиларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни со-тиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратишга;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етишти-рувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармаси ҳисоби-дан — узумчилик ўёналишидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича кафил-лик тақдим этишга;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирли-ги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан — кам таъминланган оиласлар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилади-ган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларига субсидиялар ажратишга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган молиявий ёрдам турлари-ни ажратишнинг аниқ механизмини белгилаш мақсадида ушбу жамғар-малар фаолиятини тартибга солувчи ҳукумат қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020-2021 йилларда ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган ер участкалари-да янгидан барпо этилган ва ижарага берилган ёнгоқ мевали боғлар (пис-та, бодом, ёнгоқ) эгаллаган майдонларга беш йил давомида ижара тўло-вининг «ноль» ставкасини қўллаш тўғрисидаги таклифига розилик берил-син.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси янги ёнгоқ мевали боғларни ташкил этиш ва уларда писта, бодом, ёнгоқ маҳсулотла-рини етиштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молия-лаштириш ва амалга ошириш бўйича ташаббускорларни аниқлаш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва молиявий ёрдам турларидан фойдаланишда уларга кўмаклашиш чораларини кўрсинг.

10. Маълумот учун қабул қилинсинки, мазкур қарорда назарда тутил-ган қўшимча молиявий қўллаб-куватлаш механизmlарининг қўлланилган-

лиги маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкитларга қонун хужжатларида белгиланган тартибда бошқа манбалар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, вазирлик ва идоралар хузуридаги жамғармалар ҳамда оиласи тадбиркорликни кўллаб-куватлаш дастурлари ҳисобидан молиявий кўмак берилишини истисно қилмайди.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, «Ўзагрокимёхимоя» АЖ, «Ўзкимёсаноат» АЖ:

а) бир ой муддатда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг экспорт географиясини кенгайтириш, экспортдаги тариф ва нотариф барьерларни камайтириш юзасидан «йўл ҳарита»сини ишлаб чиқиб, тасдиқласин. Унда қўйидагилар назарда тутилсин:

мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг турлари бўйича ноанъанавий бозорлар, хусусан, Хитой, Корея, Ҳиндистон, Европа Иттифоқи давлатларида экспортни кўпайтириш;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан импорт божлари ва акциз солили ставкаларини кўллашда имтиёз ва чегирмалар бериш тўғрисида музокаралар ўтказиш;

темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортида юкларни ташишда ундириладиган тўловларни камайтириш;

халқаро даражада тан олинган стандартлар талабларига мос маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини ушбу стандартлар талаблари асосида қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар қамровини кенгайтириш, экспортбоп маҳсулотларни халқаро талаблар асосида сертификатлаш ишларини жадаллаштириш;

«соғломлик» сертификати бўлмаган уруф ва қўчатларни импорт қилиш ҳамда экишини тўхтатиш;

мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда минерал ўғитлар сотиш ва зааркунандаларга қарши курашиш бўйича самарали тизим ташкил этиш, уларнинг фаолиятида экологик хавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

б) амалга оширилган ишлар тўғрисида 2020 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

12. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб тажриба тарикасида:

тегишли ҳудудда мева-сабзавот ва узум турларини жойлаштиришда етиштириладиган маҳсулот ҳажми боғлар ва токзорлар тупроқларининг бир бонитет балига нисбатан ҳисобланган норматив ҳосилдорлиги (кейинги ўринларда — норматив ҳосилдорлик) асосида аникланади;

маҳсулот етиштирувчилар томонидан норматив ҳосилдорлик талабларига риоя этилиши улар иштироқида тузилган шартномалар, давлат статис-

тика ҳисоботлари ҳамда ваколатли органларнинг ахборот тизимларидағи маълумотлар ёрдамида худудий қишлоқ хўжалиги органлари томонидан мониторинг қилинади;

ўтказилган мониторинг натижалари ҳар йили камида бир марта ҳалқ депутатлари туман кенгашларида муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши:

мазкур бандга асосан ўтказилган мониторинг натижаларини ҳалқ депутатлари туман кенгашларида муҳокама қилиш ишларини самарали ташкил этишга кўмаклашсин;

ўтказилган мониторинг натижаларини умумлаштириш асосида 2021 йил 1 марта қадар Вазирлар Маҳкамасига ер участкаларидан самарасиз фойдаланаётган ер участкалари эгаларига нисбатан ҳалқ депутатлари туман кенгашларининг қарорларига асосан таъсирчан чоралар кўриш механизми жорий этиш тўғрисида таклифлар киритсан.

### 13. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар хокимлари билан биргаликда — мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган 55 та туманни алоҳида маҳсулот турига ихтисослаштириш, уларда фаолият юритадиган мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятининг самарали ташкил этилиши ҳамда 2020 йилда 26 минг гектар кам ҳосилли ва яроқсиз боғлар ўрнида интенсив усулда 7 минг гектарида гилос, 8 минг гектарида ёнғоқ ва шафтоли, 8,5 минг гектарида ўрик ва анор ҳамда 2,5 минг гектарида олхўри боғлари ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов ва Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси А.А. Хайтов — кам таъминланган оиласлар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари фаолиятининг самарали йўлга қўйилиши, мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштиришда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Ў. Умурзоқов — мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини молиялаштириш учун ҳалқаро молия институтларининг маблағларини мақсадли жалб қилиш, экспорт қилувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини самарали ташкил этиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н.Ж. Бакиров — ёнғоқ мевали боғлар ташкил этиш, уларда писта, бодом, ёнғоқ сингари маҳсулотлар етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмини кенгайтириш учун;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Бағдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Н.Э. Нажимов ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги директори О.С. Мустафоев — яроқсиз боғ, иссиқхона ва токзорлар жойлашган ерларда янгидан интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш, кейинчалик бир ҳудудда ижарага олинган экин майдонлари негизида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва мева-сабзавот кластерларини ташкил этиш учун;

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринbosари А.Э. Эргашев — мазкур қарорда назарда тутилган молиявий ёрдам турларини ўз вақтида ва манзилли тақдим этишда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш давлат жамғармасини зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринbosари С.С. Ходжаев — тўқсонности усулида этиштириладиган ва эртаки экинларнинг ўз вақтида экилиши, уларда белгиланган турдаги ва ҳажмдаги маҳсулотларнинг тўлиқ этиштирилиши учун шахсан жавобгар бўлиши белгилансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

2020 йилда ташкил этиладиган мева-сабзавот кластерлари фаолиятини манзилли қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги;

Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни ахолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги;

Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги хукумат қарорларини қабул қиласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларини билан биргаликда мазкур қарорнинг ижросини, сабзавот-полизчилик, бағдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликлари эгаларига, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти ахоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин;

мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда мазкур қарор талабарининг амалга оширилишини доимий мониторинг қилиб борсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритисин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

\* Илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

публикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 11 декабрь,  
ПҚ-4549-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИННИГ  
 ҚАРОРИ

**908 Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3099-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги ПҚ-3786-сон «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди ва Бош прокуратураси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди ва Бош прокуратурасининг 2018 йил 20 ноябрдаги 52, 74, 11-192-18, 68-ққ-сон қарори (рўйхат рақами 3099, 2018 йил 14 дебрабр) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.12.2018 й., 10/18/3099/2319-сон) билан тасдиқланган Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидан «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда текширилган,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 ноябрь,  
97-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 дебрабрда эълон қилинган.

**Ички ишлар вазири****П. БОБОЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 ноябрь,  
92-сон

**Олий суд раиси****К. КАМИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 ноябрь,  
11-87-19-сон

**Бош прокурор****Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 16 ноябрь,  
59-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИННИГ  
ҶАРОРИ

**909** «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини Давлат бюджети даромадига йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1651-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 сентябрдаги ПФ-5831-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Ҳисоб палатаси қарор қиласи:

\* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 декабря эълон қилинган.

1. Айрим идоравий норматив-хукукий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин:
2. Мазкур қарор 2020 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири****Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 ноябрь,  
109-сон

**Давлат солик  
қўмитаси раиси****Б. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 ноябрь,  
2019-61-сон

**Ҳисоб палатаси раисининг  
биринчи ўринбосари****М. АБДУЛЛАЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 ноябрь,  
13/1-1601-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва  
Ҳисоб палатасининг 2019 йил 28 ноябрдаги  
109, 2019-61 ва 13/1-1601-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-хукукий хужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Ҳисоб палатасининг 2006 йил 11 декабрдаги 101, 2006-52 ва 11-133-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини Давлат бюджети даромадига йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 1651, 2006 йил 29 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 526-модда);

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Ҳисоб палатасининг 2018 йил 7 майдаги 92, 2018-41 ва 12/01-1075-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини Давлат бюд-

жети даромадига йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1651-1, 2018 йил 25 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.05.2018 й., 10 / 18 / 1651-1 / 1270-сон).

**Ўзбекистон Республикаси**

**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва  
идораларнинг норматив-ҳукуқий ҳужжатларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
2019 йил 7 декабрдан 13 декабргача  
бўлган маълумотни маълум қиласи**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Боз прокуратурасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 97, 92, 11-87-19, 59-сон «Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2019 йил 10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3099-1.**

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Хисоб палатасининг 2019 йил 28 ноябрдаги 109, 2019-61, 13/1-1601-сон «Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини Давлат бюджети даромадига йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2019 йил 11 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1651-2.**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Хисоб палатасининг 2006 йил 11 декабрдаги 101, 2006-52 ва 11-133-сон «Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси томонидан аниқланган давлатнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар суммаларини Давлат бюджети даромадига йўналтириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1651, 2006 йил 29 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1651-1, 2018 йил 25 май).

**Адлия вазирининг 2019 йил 11 декабрдаги 534-мҳ-сон буйргуга асосан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳукуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

